



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ  
КУРАШИШ АГЕНТЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА  
КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ  
ТЎҒРИСИДА

МИЛЛИЙ МАЪРУЗА

2022

ТОШКЕНТ 2023



## МУНДАРИЖА

<b>Кириш</b> .....	2
<b>Асосий қисм</b> .....	3
1. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари.....	3
2. Коррупцияга қарши курашиш бўйича норматив-ҳуқуқий асосларнинг такомиллаштирилиши.....	5
3. Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган давлат дастури ижроси.....	8
4. Коррупцияга қарши курашувчи давлат органлари фаолияти.....	10
5. Давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олиш чора тадбирлари.....	16
6. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси.....	19
7. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар.....	22
8. Давлат харидлари соҳасида коррупциянинг олдини олиш.....	26
9. Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини ошириш.....	29
10. Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш.....	31
11. Давлат органлари ва ташкилотларининг очиқлик индекси.....	33
12. Халқаро рейтинг ва индекслар .....	35
13. Жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ва жамоатчилик назоратини ривожлантириш.....	39
14. Аҳолининг коррупцияга муносабатини ўрганиш бўйича амалга оширилган ижтимоий тадқиқотлар .....	42
<b>Хулоса</b> .....	46
<b>Таклиф ва тавсиялар</b> .....	47
<b>Илова</b> .....	49

## КИРИШ

**Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тўғрисида миллий маъруза** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6013-сон Фармони 3.1-банди ижросини таъминлаш мақсадида тайёрланди.

**Миллий маърузанинг мақсади:** Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш соҳасида олиб борилаётган давлат сиёсатининг мазмун-моҳияти, ушбу йўналишда **2022 йилда** амалга оширилган ислохотлар ва уларнинг натижалари тўғрисида жамоатчиликни хабардор қилиш ҳисобланади.

Миллий маъруза Коррупцияга қарши курашиш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик деб юритилади) томонидан тайёрланган **иккинчи маъруза** ҳисобланади.

Миллий маърузада мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ислохотлар ва комплекс чора-тадбирлар, хусусан, коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурларининг амалга оширилиши, соҳага оид қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат органлари ва ташкилотларнинг ушбу йўналишдаги фаолияти бўйича атрофлича маълумотлар берилган.

Ўтган йилги миллий маърузадан **фарқли равишда**, бу йилги миллий маърузада коррупцияга қарши курашиш борасидаги қилинган амалий ишлар, ислохотларнинг ҳудудлардаги ижроси, эксперимент тарзида бошланган лойиҳалар натижаси, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги замонавий механизмларнинг (*Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш, давлат органларининг очиқлик индекси*) яратилиши акс эттирилди.

Бундан ташқари, коррупция хавф-хатарлари юқори бўлган, коррупциявий ҳуқуқбузарликлар энг кўп содир этилаётган соҳалар бўйича алоҳида таҳлил ўтказилиб, ушбу соҳаларда коррупциянинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида ахборотлар тақдим этилди.

Ўзбекистонда коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг **самарадорлигига** ижтимоий тадқиқот натижалари, халқаро экспертларнинг фикрлари ҳамда коррупция даражасини баҳоловчи халқаро рейтинг ва индекслар натижалари асосида **баҳо берилди.**

Шунингдек, ислохотлар изчиллигини таъминлаш мақсадида истиқболдаги вазифалар, уларни амалга ошириш механизмлари бўйича таклифлар шакллантирилди.

Миллий маъруза тузилиши жиҳатдан кириш, **14 та параграф**, хулоса, таклиф ва тавсиялар ҳамда илова қисмидан иборат.

Миллий маъруза кенг жамоатчилик, хусусан, давлат органлари вакиллари, мустақил экспертлар, рейтинг агентликлари, жамоат фаоллари, олимлар ва бошқа манфаатдор шахслар учун мўлжалланган.

## 1. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг лавозимга киришиш маросимида бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги нутқида (06.11.2021 йилда) сўнгги беш йилда коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсати даражасига олиб чиқилганлиги, бу борада айбдорларни ҳуқуқий жавобгарликка тортиш билан чекланиб қолмасдан, **тизимли превентив чораларни** кучайтириш зарурлиги, коррупция балосига қарши фақат давлат-ҳуқуқий чоралар билангина эмас, балки бутун **жамият қарши курашмоғи** кераклиги қайд этилди.

Бундан ташқари, Давлат раҳбарининг ҳар йилги мурожаатномасида коррупцияга қарши курашиш масаласига алоҳида тўхталиб ўтилиши, ушбу соҳада кўплаб қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши коррупцияга қарши курашиш масаласининг **давлат сиёсати** даражасида аҳамиятга эғалигини кўрсатиб бермоқда.

2022 йилда коррупциянинг олдини олишга қаратилган муҳим **превентив механизмлар** яратилганлиги, давлат бошқарувида **бюрократияни камайтириш, очиқлик** ва **шаффофликни** таъминлаш, давлат хизматларини кўрсатиш сифатини яхшилаш, **рақамлаштириш** орқали инсон омилини камайтириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсатининг муҳим элементлари бўлиб хизмат қилди.

1. 2022 йил охирида амалга оширилган маъмурий ислоҳотлар орқали “қўл” бошқарувидан “автоматик” бошқарув тизимига ўтиш жараёни бошланди.

Хусусан, маъмурий ислоҳотлар натижасида давлат бошқаруви тизимининг энг муҳим бўғини – Вазирлар Маҳкамаси фаолияти такомиллаштирилди, ижро этувчи ҳокимият янада ихчамлашиб, такрорланувчи функциялар тугатилди. Энг асосийси, бюрократия қисқартирилиб, маълум бир ташаббусни илгари суриш учун **9 поғонали** “руҳсат олиш” амалиётидан воз кечилди.

Маъмурий ислоҳотларни амалга ошириш орқали вазирларнинг мақоми, ваколатлари, президент, парламент ва жамоатчилик олдидаги сиёсий масъулияти ҳамда жавобгарлиги кескин оширилмоқда. Уларнинг соҳага ажратиладиган маблағларни ишлатишдаги мустақиллиги белгиланмоқда. Вазирлик ва идоралар **функцияларининг оптималлаштирилиши** натижасида хусусий секторга ўтказилаётган давлат функциялари камида **3 баробарга** кўпайтирилмоқда.

*Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 декабрдаги “Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 269-сон Фармони билан 2023 йил 1 январдан бошлаб ижро органлари сони 61 тадан 28 тага, шу жумладан, вазирликлар сони 21 тагача қисқарди, 20 та идора тўлиқ тугатилди.*

2. Давлат органлари ва ташкилотларида коррупциявий муносабатларнинг олдини олишга қаратилган **превентив механизмлар** яратилди.

Хусусан, Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини **рейтинг баҳолаш** ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида очиқлик бўйича амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини баҳолашга қаратилган **Очиқлик индекси** жорий этилди.

Шунингдек, Давлат органлари ва ташкилотларида коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш бўйича **«E-Antikorrupsiya»** лойиҳаси ишга туширилди.

3. Давлат хизматларини кўрсатиш сифати яхшиланиб, ортиқча тартиб-таомиллар қисқартирилди ҳамда электрон шаклда кўрсатиладиган давлат хизматлари сони оширилди.

Жумладан, **73 турдаги** ҳужжат ва маълумотларнинг аҳолидан талаб қилиниши бекор қилиниб, тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар сони **221** тадан **95 тага (43 %)** қисқартирилди, **6 та** лицензия ва рухсатноманинг **17 та** талаб ва шартлари бекор қилинди.

**771 та** давлат хизматларининг **261 таси (33,8 %)** Давлат хизматлари маркази орқали, **360 дан ортиғи** Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали электрон кўрсатилмоқда, шу жумладан, **240 дан** ортиқ хизматлар тадбиркорлик субъектлари учун мўлжалланган. **59 турдаги** давлат хизматларини кўрсатиш муддатлари қисқартирилди, ушбу хизматлар олдин 30 кундан 90 кунгача муддатда кўрсатилган бўлса, эндиликда 1 кундан 30 кунгача камайтирилди.

4. Рақамлаштириш орқали **“инсон омили”**ни камайтириш мақсадида барча соҳаларда ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш ишлари янада ривожлантирилди. Хусусан, “Рақамли Ўзбекистон-2030” стратегияси доирасида давлат ва хўжалик бошқаруви органлари фаолиятини рақамлаштириш билан боғлиқ **369 та** лойиҳалар амалга оширилди.

**Ижтимоий соҳада** “Электрон меҳнат дафтарчаси”, “Электрон соғлиқни сақлаш” тизими, “Олий таълим жараёнини бошқариш ахборот тизими” (HEMIS), умумтаълим мактабларида “Электрон кундалик” тизими, нафақалар ва моддий ёрдам маблағларини ажратишда шаффофликни таъминлаш имконини берувчи “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” тизими;

**Иқтисодий соҳада** “Лицензия”, “E-auksion”, “YERELEKTRON”, “Шаффоф йўл”, “Шаффоф қурилиш”, “Агросубсидия”, “Давлат харидлари электрон тизими” ва бошқа ахборот тизимлари **коррупция хавф-хатарларини камайтиришга** самарали хизмат қилмоқда.

*Мисол учун: “Лицензия” ахборот тизими орқали 105 турдаги давлат хизматларини кўрсатиш имконияти яратилган бўлиб, натижада лицензия ва рухсатнома олиш учун аризаларни тақдим этиш, уларни кўриб чиқиш ва якуний қарор қабул қилиш билан боғлиқ барча жараёнлар электрон шаклда масофадан туриб амалга оширилмоқда. Бу эса давлат хизматчиси билан жисмоний ва юридик шахсларнинг тўғридан-тўғри алоқага киришишини чеклаб, “инсон омилини” қисқартириш учун самарали восита бўлиб хизмат қилмоқда.*

5. Коррупциявий хавф-хатарлар юқори бўлган капитал қурилиш, олий таълим, соғлиқни сақлаш ва давлат харидлари соҳаларида **“Коррупциясиз соҳа”** лойиҳасини амалга ошириш бўйича “Йўл харита”лари тасдиқланиб, ижроси таъминланди.



Наманган вилоятининг Давлатобод тумани ҳамда Қашқадарё вилоятининг Қарши туманида “Коррупциясиз ҳудуд” лойиҳасини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар белгиланди.

*Маълумот учун: мазкур лойиҳаларни амалга ошириш натижалари ва эришилган ютуқлар хусусида кейинги параграфларда батафсил маълумотлар келтириб ўтилган.*

Мурожаатномада белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, **2023 йил учун** коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсатининг **устувор йўналишлари** сифатида мамлакатда яширин иқтисодиёт улушини камайтириш, рақамлаштириш кўламини янада кенгайтиришни давом эттириш, имтиёз ва преференцияларни қайта кўриб чиқиш, жамоатчилик назорати механизмларини такомиллаштириш белгиланмоқда.

## **2. Коррупцияга қарши курашиш бўйича норматив-ҳуқуқий асосларнинг такомиллаштирилиши**

Коррупцияга қарши курашиш соҳасини такомиллаштириш, ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш мақсадида **соҳага тааллуқли 13 та**, шунингдек, **бошқа соҳалар**даги ислохотлар натижасида коррупция омилларини қисқартиришга қаратилган **24 та** норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди.

**1. Коррупцияга қарши курашиш соҳасига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:**

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 81-сон Қарори қабул қилинди;

Қарор билан Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини **рейтинг баҳолаш** тизими жорий этилди.

– Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 26 мартдаги “2022 йилда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 140-сон Қарори қабул қилинди.

Қарор билан 2022 йилда ижтимоий таъминот, молия, кредит, банк ва тадбиркорлик, ташқи иқтисодий фаолият ва божхона соҳаларидаги амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни **коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш** режа-жадваллари тасдиқланди.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 240-сон Қарори қабул қилинди.

Қарор билан Давлат органлари ва ташкилотларида коррупциявий хавф-хатарларнинг олдини олиш бўйича **«E-Antikorrupsiya»** лойиҳаси ишга туширилди;

– Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги “Давлат харидларини амалга ошириш билан боғлиқ тартиб-таомилларни ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 276-сон Қарори қабул қилинди;

Қарор билан давлат харидларини электрон шаклда ўтказиш **шартлари**, бенефициар мулкдор тўғрисидаги маълумотларни **ошқор қилиш**, тўғридан-тўғри шартномалар бўйича давлат харидларини амалга ошириш **тартиби** ҳамда давлат харидлари тўғрисидаги шартномаларнинг **ягона реестрини** юритиш қоидалари белгиланди.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 154-сон Фармони қабул қилинди.

Фармон билан Давлат органлари ва ташкилотларида очиқлик бўйича амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини баҳолашга қаратилган **Очиқлик индекси** жорий этилди;

– Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 3 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида”ги 786-сон Қонуни қабул қилинди.

Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 215<sup>7</sup>-модда билан тўлдирилиб, унда давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фаолиятининг **очиқлиги тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик** учун жавобгарлик белгиланди;

– Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 8 августдаги “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги 788-сон Қонуни қабул қилинди.

Қонун билан давлат фуқаролик хизматчиларининг ҳуқуқий мақоми, мажбуриятлари, чекловлар ҳамда **коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар** белгиланди.

**2. Бошқа соҳалар**да қабул қилинган ҳамда мазкур соҳаларда коррупциявий омилларнинг камайишига таъсир кўрсатувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 9 апрелдаги “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт-шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислоҳотлар тўғрисида”ги 101-сон Фармони қабул қилинди.

Фармон билан 2022 йил 1 майдан бошлаб давлат иштирокидаги корхоналарда кузатув кенгаши аъзоларидан иборат **Коррупцияга қарши курашиш ва этика қўмитаси** ташкил этилди. Ижро органи раҳбари сифатида тайинланган (қайта тайинланган) шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ ижро органи раҳбари бўлиши мумкин эмаслиги талаби белгиланди;



– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 апрелдаги “Божхона маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 122-сон Фармони қабул қилинди;

Фармон билан божхона органларида халқаро стандартларга мувофиқ **комплаенс назорат** тизимини тўлақонли ишга тушириш, кадрларни **очиқлик ва шаффофлик** тамойиллари асосида танлаш ҳамда танлов жараёнларининг натижалари Интернет тармоғи орқали реал вақт режимида эълон қилиб борилишини таъминлаш ҳамда божхона органлари ходимларининг даромадлари ва мол-мулкини **декларациялаш амалиётини** босқичма-босқич жорий этиш белгиланди;

– Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 августдаги “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида хизмат сафарлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 424-сон **Қарори** қабул қилинди.

Қарор билан давлат хизматчиларининг хизмат сафарлари мобайнида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича чоралар белгиланди, жумладан, хизмат сафарлари билан боғлиқ **харажатларнинг меъёрлари ҳақиқий харажатларга** мувофиқлаштирилди, хизмат сафарларини **электрон журналларда** қайд этиш, сафар харажатларини **автоматик ҳисоблаш** тизимлари жорий этилди.

– Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги “Давлат фуқаролик хизматчилари томонидан одоб-ахлоқ қоидаларига риоя этилишини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 595-сон **Қарори** қабул қилинди.

Қарор билан Давлат фуқаролик хизматчилари **одоб ахлоқининг намунавий қоидалари** ва одоб-ахлоқ комиссияси тўғрисидаги намунавий низом тасдиқланди.

– Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 октябрдаги “Назорат қилувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятида давлат назоратини ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 611-сон **Қарори** қабул қилинди.

Қарор билан тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида **Текширувларни рўйхатга олиш китобини тўлдириш тартиби** тўғрисидаги ҳамда Назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларини тадбиркорлик субъекти фаолиятини текшириш ҳуқуқини бериш юзасидан **аттестациядан ўтказиш тартиби** тўғрисидаги Низомлар, шунингдек, Назорат қилувчи органларнинг «хавфни таҳлил этиш» тизимларига қўйиладиган **минимал талаблар** тасдиқланди.

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 20 апрелдаги “Давлат хизматлари кўрсатишни соддалаштириш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш ҳамда давлат хизматлари кўрсатиш миллий тизимини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” 113-сон Фармон қабул қилинди.

Фармон билан Давлат хизматларини кўрсатиш тизимини модернизация қилиш бўйича миллий стратегия тасдиқланди, шунингдек, давлат хизматларини **электрон шаклга** ўтказиш даражасини **80 фоизга** етказиш, Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари сонини

**400 тага**, Давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари сонини **300 тага** етказиш белгиланди.

– Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 23 декабрдаги 720-сон **Қарори** қабул қилиниб, **Қарорга** асосан пиллачилик соҳасига тегишли қонунчилик ҳужжатларидаги **коррупциявий нормаларни бартараф этиш** мақсадида соҳага субсидия ажратиш жараёнида **манфаатлар тўқнашувининг** олдини олиш, субсидия олиш учун электрон шаклда **ҳужжатлар тақдим этиш** бўйича янги қоидалар белгиланди.

*Бундан ташқари, ер ажратиш, рақамлаштириш, давлат мулкни хусусийлаштириш, қурилиш, соғлиқни сақлаш, таълим ва бошқа соҳаларда қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мамлакатда коррупция камайишига таъсири хусусида кейинги параграфларда батафсил маълумотлар тақдим этилади.*

### **3. Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган давлат дастури ижроси**

Коррупцияга қарши курашиш йўналишида амалга ошириладиган чора-тадбирларнинг изчиллигини таъминлаш мақсадида 2017 йилдан бошлаб коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат дастурларини қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилди. Ўтган давр мобайнида **3 та давлат дастурлари** (2017, 2019, 2021) қабул қилиниб, ўз вақтида ижроси таъминланмоқда.

**I.** 2021-2022 йилларга мўлжалланган Давлат дастурида **5 та** йўналишда **44 та** банддан иборат вазифалар белгиланган бўлиб, уларни ўз вақтида ижросини таъминлаш бўйича барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилди.

#### **Давлат дастури ижроси доирасида:**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг **2 та** фармони ва **4 та** қарори, **1 та** қонун, Вазирлар Маҳкамасининг **2 та** қарори ҳамда **5 та** идоравий ҳужжатлар қабул қилинди.

**2.** “Давлат фуқаролик хизмат тўғрисида”ги Қонун қабул қилиниб, давлат фуқаролик хизматчиларининг **ҳуқуқий мақоми, мажбуриятлари**, чекловлар ҳамда **коррупциянинг олдини олиш доир чора-тадбирлар** белгиланди.

**3.** Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини **коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш** тартиби янада такомиллаштирилиб, **амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар** босқичма-босқич коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилиши белгиланди, шунингдек, илмий ташкилотлар ва олий таълим муассасалари вакиллари ҳамда мустақил экспертларга **илмий ва мустақил экспертизани** амалга ошириш ҳуқуқи берилди.

**4.** Молиявий назоратни амалга оширувчи органлар фаолияти тартибга солиниб, Молия вазирлиги ҳузурида **Давлат молиявий назорати инспекцияси** ташкил этилди ҳамда бюджет қонунчилигини бузиш хавфини таҳлил қилиш мақсадида “**Электрон назоратчи-тафтишчи**” дастурий мажмуасини яратиш белгиланди.

**5.** Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини **рейтинг баҳолаш** тизими жорий қилинди.

6. Давлат органлари фаолиятида **коррупциявий хавфларни баҳолаш электрон тизими** ишга туширилди.

Коррупциявий хавфларни баҳолаш **“E-Anticor.uz” электрон платформаси** орқали амалга оширилиб, баҳолаш натижалари бўйича **“Коррупцияга мойил бўлган муносабатлар электрон реестри”** юритилади. Реестрда коррупцион хавф-хатарлар юқори бўлган лавозимлар рўйхати акс эттирилиб, жамоатчилик учун очиқлиги таъминланади.

7. Давлат хизматчиларининг хизмат сафарлари мобайнида коррупцион хавф-хатарларнинг олдини олиш мақсадида хизмат сафари билан боғлиқ харажатларни қоплаб бериш, хизмат сафарига юборилган ходимларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашнинг **шаффоф механизмлари** яратилди.

8. Давлат харидлари тизимида коррупциянинг олдини олиш чоралари кўрилди, хусусан, давлат харидлари бўйича махсус ахборот порталида шикоятларни **электрон шаклда** тақдим қилиш имконияти яратилди.

Молия вазирлиги ва Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг расмий веб-сайтида давлат харидлари жараёнлари мониторинги натижаларини ҳар ойда эълон қилиб бориш амалиёти йўлга қўйилди.

9. Коррупция ҳолатлари ҳақида хабардор қилиш имконини берувчи махсус дастурий таъминот, шунингдек, “1253” қисқа рақамли **“Call-марказ”** фаолияти йўлга қўйилди.

Ўзбек, рус ва инглиз тилларида чоп этиладиган **“Uzbekistan Anti-Corruption Digest”** онлайн журнали таъсис этилди.

10. Очиқ эълон қилиниши лозим бўлган маълумотлар рўйхати **2 тага** кенгайтирилиб, улар сони **35 тага** етказилди (2021 йилда 33 та эди), давлат органларида очиқликни таъминлаш соҳасидаги ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолашга қаратилган **очиқлик индекси** жорий этилди.

11. Республика даражасидаги **117 та** давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, банкларда коррупцияга қарши **ички назорат тузилмалари** фаолияти йўлга қўйилди.

12. Давлат хизматчилари, фуқаролик жамияти институтлари, ОАВ вакиллари учун **80 дан ортиқ** ўқув курслари, семинар, тренинглари ташкил этилиб, унда **15 мингдан ортиқ** давлат хизматчилари, уларнинг раҳбарлари ҳамда фуқаролик жамияти институтлари вакилларининг коррупцияга қарши курашиш йўналишида малакаси оширилди.

Давлат дастурининг ижро этилиши Агентлик томонидан доимий равишда мониторинг қилиниб, ҳар чоракда Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашига ахборот бериб борилди ҳамда Миллий кенгаш йиғилишларида унинг ижро ҳолати муҳокама қилиниб, масъул шахсларнинг ҳисоботлари эшитилди.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурларининг ижро этилиши натижасида коррупцияга қарши курашиш соҳасида ислохотларни ягона ёндошув асосида самарали амалга ошириш механизми йўлга қўйилди.

Шунингдек, ушбу давлат дастурлари коррупцияга қарши курашиш бўйича халқаро нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш,

норматив-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, жамиятда коррупцияга қарши муросасизлик кайфиятини шакллантириш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг ҳуқуқий асоси бўлиб хизмат қилди.

#### **4. Коррупцияга қарши курашувчи давлат органлари фаолияти**

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ коррупцияга қарши курашиш фаолиятини **бевосита** амалга оширувчи давлат органлари (Агентлик, Бош прокуратура, ДХХ, ИИВ ва Адлия вазирлиги) томонидан мамлакатда коррупция даражасини камайтириш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш ҳамда жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш борасида ижобий натижаларга эришилди. Жумладан,

**Коррупцияга қарши курашиш агентлиги** томонидан 2022 йил мобайнида коррупцияга қарши курашишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, давлат бюджети маблағларининг самарали сарф этилишини назорат қилиш, давлат органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш, халқаро ҳамкорлик кўламини кенгайтириш йўналишларида бир қатор ишлар амалга оширилди.

**1.** Агентлик ҳамда манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда **17 та** норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳалари ишлаб чиқилиб, уларнинг **13 таси** қабул қилинди.

*Маълумот учун: қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида 2-параграфда батафсил маълумот келтирилган.*

**2.** Агентлик томонидан жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, ОАВда эълон қилинган маълумотлар ҳамда давлат харидларини амалга оширишда қонунбузилиши ҳолатлари бўйича ҳудудлар ва соҳалар кесимида **60 га** яқин ўрганишлар ўтказилди.

Ўрганишлар натижасида аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш юзасидан вазирлик ва идораларга **197 та тақдимнома**, жавобгарлик масаласини ҳал қилиш бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга **174 та сўровнома** юборилди.

Шунингдек, мансабдор шахсларнинг қонун ҳужжатларига зид равишда чиқарилган **13 та** қарорлари **бекор қилинди**, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан умумий **32 та жиноят иши** ва **70 та маъмурий ишлар** қўзғатилди, **20 нафар** мансабдор шахс **интизомий** жавобгарликка тортилди.

Давлат буюртмачилари томонидан амалга оширилган **давлат харидлари** бўйича **119 та** ҳолатда **360,9 млрд** сўмлик хато ва камчиликлар аниқланди.

**3.** Давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида:

- халқаро стандартлар асосида ички назорат тузилмалари фаолиятини тартибга солувчи **10 та** идоравий ҳужжат ва **4 та** услубий-методологик

қўлланма ишлаб чиқилиб, барча давлат ташкилотлари фаолиятига татбиқ этилди;

- **19 та** давлат органлари ва ташкилотлари **ISO 37001:2016** халқаро стандарт сертификатини қўлга киритди;

- **41 та** давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари раҳбарлари **очик танлов** асосида ишга қабул қилиниши таъминланди;

- халқаро экспертлар иштирокида ички назорат тузилмалари ходимларининг малакасини оширишга оид **10 та** семинар ва тренинглари ташкил этилди;

- **78 та** вазирлик ва идораларнинг ички назорат тузилмалари фаолияти ўрганилиб, **11 та** ташкилотда камчиликлар аниқланиб, уларни бартараф этиш бўйича **тақдимномалар** киритилди.

**4.** Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини **рейтинг баҳолаш** тизими жорий қилинди.

**5.** Давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти очиқлигини таъминлаш мақсадида **135 та** вазирлик ва идораларнинг очиқликка оид қонунчилик ҳужжатларида белгиланган мажбуриятларнинг бажарилиши ўрганилиб, мунтазам мониторинг қилиб борилди.

Натижада давлат органлари фаолиятига тегишли жами **950 дан зиёд** ижтимоий аҳамиятга молик бўлган очиқ маълумотлар тўпламлари белгиланган ресурсларда жойлаштириб, доимий янгилаб бориш амалиёти йўлга қўйилди.

Очиқликка оид қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланган талабларнинг ижро этилишида йўл қўйилган хато ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан вазирлик ва идораларга **41 та огоҳлантириш**, **38 та тақдимнома** юборилди.

Давлат органларининг очиқликка масъул ходимларини ўқитишга қаратилган семинар-тренинглари ташкил этилиб, **300 дан ортиқ** давлат хизматчисининг билим ва кўникмалари оширилди.

Давлат органларининг очиқликни таъминлашга масъул ходимларини онлайн ўқитишга мўлжалланган **“Очиқ маълумотлар” таълим платформаси** ишлаб чиқилди.

Фарғона вилоятида “Очиқ, шаффоф ва ҳисобдор ҳудуд” лойиҳасини амалга ошириш бўйича “Йўл харитаси” (2022 йил 10 март) тасдиқланди.

**6.** Халқаро ҳамкорлик доирасида **15 та халқаро ташкилот** (БМТ, ИХТТ, ЕХҲТ, ЖБ ва бошқалар) ҳамда **20 та** хорижий давлатнинг (АҚШ, Корея Республикаси, Франция, Германия, Сингапур, Малайзия, Хитой, Қозоғистон ва бошқалар) **коррупцияга қарши курашишга масъул идоралари** билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди.

2022 йил давомида халқаро ҳамкорлар билан **20 та** семинар-тренинг, **6 та** тадбир (форум, конференция, давра суҳбати), **3 та** ўқув курслари ташкил этилди.

9-декабрь – Халқаро коррупцияга қарши кураш куни муносабати билан 2022 йилда ҳам кенг кўламли **“Аксилкоррупция ҳафталиги”** ўтказилди.



“Аксилкоррупция ҳафталиги”да ҳар йилгидан фарқли равишда асосий тадбирларни ҳудудларда ташкил этишга эътибор қаратилди. Ҳафталик доирасида Самарқанд шаҳрида **“Инвестицион фаолиятда коррупция ҳолатларининг олдини олиш ва унга қарши курашиш”** мавзусига бағишланган биринчи минтақавий семинар, **“II Тошкент Аксилкоррупция форуми”** ва **“Ўзбекистон бизнес ҳамжамиятида ҳалоллик” II бизнес-форуми** юқори савияда ташкил этилганлиги халқаро экспертлар томонидан алоҳида эътироф этилди.

7. Аҳоли ва давлат хизматчиларининг билимини ошириш, шунингдек, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида:

**“Коррупция ҳеч кимни четлаб ўтмайди”, “Ўзбекистонда коррупцияни енгиш мумкинми?”, “Коррупцияга имкон берманг”** каби мавзуларда **9 та** видеоролик тайёрланди;

- давлат хизматида коррупциянинг олдини олишга қаратилган **“Виждон саратони”** номли ҳужжатли фильм ва **“Талваса”** бадиий фильми тайёрланди;

- аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида **“Korrupsiyasiz jamiyat”** телеграм канали ишга туширилди;

- вазирлик ва идораларда коррупцияга қарши курашишни тарғиб этишга қаратилган **90 та семинар, давра суҳбати ва учрашувлар** Агентлик ходимлари иштирокида ташкил этилди;

- **“Аксилкоррупция ҳафталиги”** доирасида **18 та** давлат органлари ва ташкилотларида **“Очиқ эшиклар куни”** тадбирлари ташкил этилди;

- коррупцияга қарши курашиш йўналишида амалга оширилаётган ишлар тўғрисида аҳолини хабардор қилиб бориш мақсадида маҳаллий ва хорижий ОАВ, ижтимоий тармоқларда **1 840 дан зиёд** материаллар эълон қилинди.

**Прокуратура органлари** томонидан мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш борасида **2022 йилда** муайян ишлар амалга оширилди.

**Биринчидан,** коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонунчиликнинг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назорат фаолиятини ташкил этишда соғлиқни сақлаш, олий таълим, қурилиш, давлат харидлари ва банк соҳаларида **“Коррупциясиз соҳа”** лойиҳаларини амалга оширишда белгиланган чора-тадбирларнинг ижроси таъминланишига алоҳида эътибор қаратилди.

Хусусан, соғлиқни сақлаш соҳасида аниқланган қонунбузилиши ҳолатларини бартараф этиш бўйича тегишли идораларга **5 171 та** тақдимнома киритилди, **2 642 та** ноқонуний ҳужжатлар қонунга мувофиқлаштирилди, **3 879 нафар** шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилди, **107 та**



жиноят иши қўзғатилди ҳамда **15 269 нафар** шахснинг бузилган ҳуқуқлари тикланди.

**Қурилиш соҳасида** назоратни амалга ошириш борасида кўрилган чоралар натижасида:

– **3 550 та** ҳолатда **57,1 млрд** сўмлик сифатсиз бажарилган ҳамда **2 030 та** ҳолатда **56,5 млрд** сўмлик ҳисоботларга қўшиб ёзилган ишлар аниқланиб, жойида бартараф этилиши таъминланди;

– қонун бузилишига йўл қўйган **541 нафар** масъуллар интизомий, **996 нафари** маъмурий жавобгарликка тортилди, **50,4 млрд** сўмлик талон-торожлик ҳолатлари аниқланиб, **89 та** жиноят иши қўзғатилди.

**Иккинчидан**, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш, жавобгарлик ва жазо чораларини қўллаш бўйича тизимли ишлар олиб борилди.

2022 йилда жами **68 нафар** (2021 йилда 18 нафар) шахс коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берганлиги ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашганлиги сабабли рағбатлантирилди.

Уларнинг **22 нафарига** пул мукофоти, **42 нафарига** ташаккурнома ва **4 нафарига** эсдалик совғалари топширилди.

Рағбатлантирилган шахсларнинг берган хабарларига кўра, **61 та** ҳолатда пора олиш ва **7 та** ҳолатда бюджет маблағларини жуда кўп миқдордаги қийматда талон-торож қилиш жиноятлари фош этилиб, айбдор шахсларга нисбатан жазо муқаррарлиги таъминланди.

**Учинчидан**, алоҳида соҳаларда коррупциявий жиноятлар ва уларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиш, шу орқали коррупция омилларини бартараф қилишга қаратилган тадбирлар изчил давом эттирилди.

Хусусан, ички ишлар, қишлоқ хўжалиги, молия, энергетика вазирликлари, экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, солиқ қўмиталари тизимидаги ҳамда адвокатура фаолияти билан шуғулланувчи шахслар томонидан содир этилган коррупция ҳолатлари чуқур таҳлил қилиниб, тегишли идораларга **тақдимномалар** ҳамда Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгашига **ахборотлар** киритилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Шу билан бирга, 2020 - 2021 йилларда коррупциявий хавфи юқори бўлган вазирлик ва идоралар, шунингдек, банк, **спорт, маданий мерос** ва **маданият халқ таълими** соҳаларида коррупцияга оид жиноятларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон берган шарт-шароитлар таҳлил қилиниб, Вазирлар Маҳкамаси ва мазкур соҳаларга жавобгар бўлган вазирликларда муҳокама қилинди.

**Тўртинчидан**, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда **коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга** алоҳида эътибор қаратилди.

Прокуратура органлари томонидан коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш йўналиши бўйича жами **11 399 та** тадбирлар, шундан **12 та** конференция, **157 та** семинар ва **3 321 та** давра суҳбати ўтказилган, **2 881 марта**

оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, **672 та** телевидениеда, **790 та** радио, **285 та** матбуотда ва **1 134 та** интернет тармоғида чиқишлар қилинди.

Мазкур тадбирларнинг **4 860 таси** иш жойларида, **2 403 таси** яшаш жойларида, **543 таси** ўқув муассасаларида ва **101 таси** тадбиркорлар ўртасида ўтказилди.

Бош прокуратура ҳузуридаги **Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти** томонидан:

1) ахборот базаларидан фойдаланган ҳолда **41,8 трлн** сўмлик **804 мингта** давлат харидининг қонунийлиги ўрганилиб, **126,5 млрд** сўмлик бюджет маблағларини талон-торож қилиш бўйича **225 та** жиноят иши қўзғатилди.

Субсидиялар ажратиш жараёнларидаги ноқонуний ҳаракатлар билан боғлиқ **215 та** жиноят иши қўзғатилиб, **61,3 млрд** сўм зарар ундирилди.

2) коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш йўналиши бўйича жами **11 797 та** тадбирлар, шундан **7 206 марта** оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, **1 711 та** телевидениеда, **1 790 та** радио, **57 та** матбуотда ва **2 948 та** интернет тармоғида чиқишлар қилинди.

Мазкур тадбирларнинг **2 858 таси** иш жойларида, **1 231 таси** яшаш жойларида, **101 таси** ўқув муассасаларида ва **401 таси** тадбиркорлар ўртасида ўтказилди.

**Ички ишлар вазирлиги** томонидан коррупция ҳолатларига оид жами **4 032 та** муурожаатлар кўриб чиқилган. Шундан **1 912 таси** (47,4 фоизи) ижобий ҳал этилган.

Ички ишлар тергов органлари томонидан коррупцияга оид жиноят содир этган **293 нафар** шахс бўйича улар хизмат қилган ташкилотларга келгусида коррупциянинг сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилиш чораларини кўриш тўғрисида **тақдимномалар** киритилди.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ёки жиноят ҳақида хабар берган ички ишлар органлари ходимларининг ташаббуси билан фуқаролар томонидан ходимларга пора беришга уринганлиги бўйича **123 та** ҳолатлар аниқланиб, фуқаролар тегишли тартибда жавобгарликка тортилганлар ҳамда муносиб ташаббус кўрсатган ходимлар пул мукофотлари (**416 млн.**) ва идоровий кўкрак нишонлари билан тақдирланган.

Ички ишлар органлари тизимида коррупциянинг олдини олиш мақсадида вазирликда коррупцияга қарши курашиш **комиссияси** ва таркибий тузилмаларда **17 та** ҳамда ҳудудий ички ишлар органларида эса **14 та** ишчи гуруҳлар ташкил этилиб, фаолияти йўл қўйилган.

Комиссия томонидан таркибий тузилмалар ва ҳудудий бўлинмаларда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар Дастури ишлаб чиқилиб, ижро учун юборилган.

9-декабрь – Халқаро коррупцияга қарши курашиш куни муносабати билан ўтказилган коррупцияга қарши курашишни тарғиб қилувчи видеороликлар танловига ички ишлар органлари ходимлари томонидан **42 та** видеороликлар тайёрланган.

2022 йил давомида Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ва соҳавий хизмат бошлиқлари иштирокида **17 мартаба** Пресс-тадбирлар ўтказилиши таъминланган, Ахборот хизматлари томонидан **316 мартаба** брифинг ва матбуот анжуманлари ўтказилиб, ОАВда жами **1556 мартаба** чиқишлари ташкил этилган.

**Давлат хавфсизлик хизмати** идоралари томонидан 2022 йилда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлар билан ҳамкорликда **1 344 та** жиноят устида қўлга олиш бўйича фаол тадбир ўтказилган бўлиб, унда **1 619 нафар** шахс қўлга олинган.

**Адлия вазирлиги** томонидан коррупцияга қарши курашувчи ваколатли орган сифатида қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ҳуқуқий ва **коррупцияга қарши экспертизалардан** ўтказиш, қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларининг **тартибга солиш таъсирини баҳолашдан** ўтказиш, шунингдек, аҳоли ва давлат хизматчиларининг ҳуқуқий билимларини ошириш каби йўналишларда чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Хусусан, қонунчилик ҳужжатларини ҳуқуқий ва коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш йўналишида **2 225 та** норматив ҳуқуқий ҳужжатлар **ҳуқуқий экспертизадан** ўтказилиб, шундан **679 таси** эътирозлар билан қайтарилган.

Шунингдек, мазкур лойиҳаларнинг **344 тасида 534 та коррупциявий омил** аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан ишлаб чиқувчиларга таклифлар киритилган.

2022 йилда Адлия вазирлигига келиб тушган лойиҳаларнинг **280 таси** тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказилган, шундан **136 таси** вазирлик ва идоралар томонидан тартибга солиш таъсирини баҳолашдан ўтказилмаганлиги учун, **141 таси** талаб даражасида баҳолашдан ўтказилмаганлиги учун ишлаб чиқувчиларга қайтарилган.

*Маълумот учун: тартибга солиш таъсирини баҳолаш (ТСТБ) — лойиҳанинг қабул қилиниши натижасида юзага келиши мумкин бўлган эҳтимолий оқибатларни аниқлаш ва баҳолаш, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тартибга солиш мақсадларига эришилганлигини, самарадорлигини ҳамда тартибга солиш усулини қўллашда вужудга келган оқибатларни аниқлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи.*

Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 13 мартдаги “Давлат ташкилотлари ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 134-сон Қарори ижроси доирасида **25 мингдан** ортиқ давлат хизматчиларининг ҳуқуқий саводхонлиги оширилди.

**Юристар малакасини ошириш маркази** томонидан давлат органлари ва ташкилотлари раҳбар ва масъул ходимлари учун **10 соатлик** “Коррупцияга қарши кураш ва комплаенс” ўқув курсларида 2 285 нафар давлат хизматчилари ўқитилган.

Янги қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари мазмун-моҳиятини кенг ёритиш мақсадида **110 га** яқин давлат ва жамият ҳаёти учун муҳим қонунчилик ҳужжатлари бўйича тарғибот материаллари тўплами тайёрланиб, вазирлик ва идораларга етказилган.

Аҳолини қийнаб келаётган муаммоларнинг ҳуқуқий ечимлари бўйича махсус видеороликлар тайёрланиб, вазирликнинг YouTube ижтимоий тармоғига **450 дан ортиқ** видеороликлар жойлаштирилган. (<https://www.youtube.com/c/Adliya/playlists>).

## **5. Давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олиш чора-тадбирлари**

Ўзбекистон Республикаси “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 19-моддасида **Давлат бошқаруви соҳасида** коррупциянинг олдини олиш **чора-тадбирлари** сифатида:

коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини амалга ошириш;

давлат органларининг мансабдор шахслари томонидан ўз мансаб ёки хизмат мажбуриятларининг бажарилиши самарадорлиги мезонларини, стандартларини ва унинг сифатини баҳолаш тизимларини жорий этиш;

давлат органлари ходимларининг касбий ҳамда хизматдан ташқари фаолиятдаги одоб-ахлоқининг ягона принциплари ва қоидаларини белгилаш;

давлат органлари ходимлари манфаатларининг тўқнашувини ҳал қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш;

норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ташкил этиш;

давлат органларининг мансабдор шахслари ва бошқа ходимларининг самарали ижтимоий ҳимоя қилинишини, моддий таъминот олиши ва рағбатлантирилишини таъминлаш бўйича **йўналишлар** белгиланган.

2022 йилда мазкур йўналишларнинг ҳар бири бўйича алоҳида эътиборга молик ишлар амалга оширилди. Хусусан,

**1.** Коррупцияга қарши курашиш соҳасида **парламент назоратини** амалга ошириш йўналишида Олий Мажлис Сенати ҳамда Қонунчилик палатасининг масъул қўмиталари томонидан бир қатор ишлар амалга оширилди.

- Олий Мажлис палаталари томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги **10 дан ортиқ** норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари (*манфаатлар тўқнашуви тўғрисидаги, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизаси ва бошқа*) кўриб чиқиб маъқулланди;

- Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси ҳамда Агентлик билан биргаликда **Жиззах** ва **Навий** вилоятларида ҳудудий давлат органлари мансабдор шахсларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширган ишлари юзасидан ахборотлари эшитилиб, натижалари бўйича Маҳаллий кенгашлар қарори қабул қилинди;

- Коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳудудий кенгашлар фаолиятини **баҳолаш жараёнларида** иштирок этилди;

- Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси аъзолари томонидан **30 дан** ортиқ олий таълим

муассасаларидаги тадбирларда иштирок этилиб, коррупцияга қарши курашиш борасидаги ислохотлар тўғрисида ОАВда **300 дан** ортиқ чиқишлар қилинди;

- Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан **Андижон** ва **Жиззах** вилоятларида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳаси доирасида таълим тизимида амалга оширилаётган ишлар ўрганилди, **Бухоро** ва **Наманган** вилоятларида “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуни доирасида **солиқ тизими**да амалга оширилаётган ишлар ҳолати ўрганилди.

- “Коррупциясиз соҳа” лойиҳаларининг амалга оширилиши юзасидан Соғлиқни сақлаш ва Олий ва ўрта таълим вазирликлари раҳбариятининг, солиқ идоралари тизимида коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар ҳолати юзасидан Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосарининг ҳисоботлари эшитилди.

**2.** Давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг самарадорлик мезонлари ишлаб чиқилиб, баҳолаш механизмлари жорий этилди. Хусусан,

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги директорининг 2022 йил 28 декабрдаги буйруғи билан (рўй.рақ 3407) “**Давлат фуқаролик хизматчилари фаолиятининг самарадорлигини энг муҳим кўрсаткичлар асосида баҳолаш услубиёти**” тасдиқланди.

Услубиётга асосан давлат органларида давлат хизматчисининг вазифа ва функцияларидан келиб чиқиб **энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари** ишлаб чиқилади ҳамда ушбу кўрсаткичлар асосида электрон тизим орқали баҳолаш амалга оширилади.

Бундан ташқари, давлат органлари ходимларининг касбий ҳамда хизматдан ташқари фаолиятидаги **одоб-ахлоқининг ягона принциплари** ва қоидаларини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 октябрдаги Қарори билан “Давлат фуқаролик хизматчилари одоб-ахлоқининг **намунавий қоидалари**” тасдиқланди.

Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимлари ягона очиқ портали (**vacancy.argos.**) ишга туширилганлиги давлат органларидаги вакант лавозимларга танлов орқали ўтган номзодларни тайинлаш имконини бермоқда.

2021-2022 йиллар давомида Республиканинг **72 та** вазирлик ва идоралари ҳамда **208 та** туман (шаҳар) ҳокимликлардаги мавжуд **140 718 та** вакант лавозимлар бўйича танловлар эълон қилинган, шундан 2022 йилда **113 719 та** танлов ўтказилиб, **45 917 таси** (41%) малакали ходимлар билан жамланди, **67 802 та** (59%) вакант лавозимларга эса қайта танлов эълон қилинган.

Ҳозирда “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги қонунни амалиётда тўлиқ ишлаб кетишини таъминлаш мақсадида Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг **давлат реестри**, Давлат фуқаролик хизматчиси томонидан хизмат сафарлари, халқаро ва бошқа расмий тадбирлар муносабати билан олиниши мумкин бўлган **совға қиймати**, шунингдек уни **тасарруф этиш тартиби** белгилаш бўйича коррупциянинг олдини олишга қаратилган **янги механизмлар** жорий этилмоқда.



Агентлик томонидан Сурхондарё, Қашқадарё, Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Хоразм, Наманган, Фарғона ва Андижон вилоятларида давлат хизматчилари томонидан **тадбиркорлик фаолияти** билан шуғулланиб келинаётганлиги ҳолатлари жойига чиққан ҳолда ўрганилди.

Ўрганиш натижаларига кўра, ушбу вилоятларда жами **1 625 нафар** давлат хизматчилари (**155 нафари ҳоким ва ҳоким ўринбосарлари, 161 нафари банк бошқарувчиси ва уларнинг ўринбосарлари, 1309 нафари ҳоким ёрдамчилари**) давлат хизмати билан бирга (**раҳбар ёки таъсисчи сифатида**) тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб келаётганлиги аниқланди.

Мазкур ҳолатлар юзасидан Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашларига тегишли **тақдимномалар** киритилди ҳамда давлат хизматчиларининг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишларига чек қўйиш бўйича чоралар кўрилди.

**3. Бюджет жараёнларининг очиқлигини таъминлаш борасидаги амалга оширилган ишлар, бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши, очиқ ва шаффофлиги ҳамда жамоатчилик назоратини таъминлаш имконини берди.**

Хусусан, 2022 йилдан бошлаб **“Ташаббусли бюджет”** лойиҳаси амалга оширилиши натижасида аҳоли ўз ҳудудидаги муаммоларни бартараф этиш бўйича таклиф билдириши ҳамда энг кўп овозга эга бўлган таклиф бюджет маблағлари ҳисобидан амалга ошириш амалиётини жорий этиш орқали солиқ тўловчиларнинг бюджетни тақсимлашдаги иштирокини таъминлади.

**“Ташаббусли бюджет”** лойиҳаси коррупциянинг олдини олишга ўзининг ижобий таъсирини ўтказиб, бюджет маблағларининг мақсадли ишлатилишини таъминлашда самарали инструментга айланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 25 октябрдаги “Жамоатчилик фикри асосида шакллантириладиган лойиҳаларни молиялаштириш кўламини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-409-сон Қарорига асосан, **2023 йилдан бошлаб “Обод қишлоқ”** ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида молиялаштириладиган тадбирлар жамоатчилик фикри асосида “Очиқ бюджет” ахборот портали орқали овоз бериш йўли билан аниқланиши, **“Ташаббусли бюджет”** доирасидаги дастурларни лойиҳалаштириш учун ҳар йили давлат бюджетидан камида **4 триллион** сўм маблағ йўналтирилиши белгиланди.

**“Очиқ бюджет”** ахборот портали орқали бюджет жараёнларининг ташкил этилиши боғлиқ ахборотлар жамоатчилик назоратини таъминлаш мақсадида доимий эълон қилиб бориламоқда.

Шунингдек, қонунчиликка асосан давлат органлари ва ташкилотлари ўзларининг **расмий веб-сайт**ларида бюджет жараёнларига доир маълумотларни эълон қилиб борилиши белгиланган.

Шунга асосан, **137 та** ташкилот томонидан ушбу турдаги маълумотларнинг расмий веб-сайтда эълон қилиб борилиши таҳлил қилинганда **95 та** ташкилот (69 фоиз) маълумотларни тўлиқ жойлаштиргани, **22 таси** (16 фоиз) тўлиқ жойлаштирамаганлиги, **20 таси** (15 фоиз) умуман жойлаштирамаганлиги аниқланган.



Ҳисоб палатаси томонидан 2022 йилда бюджет очиклигини таъминламаган **11 та** вазирлик ва идоранинг **12 нафар** мансабдор шахсига нисбатан Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 175<sup>7</sup> –моддаси (*бюджет жараёнининг очиклигини таъминлаш тартибини бузиш*) билан маъмурий баённома расмийлаштирилган ҳамда суднинг тегишли қарори чиқарилган.

## **6. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси**

Коррупцияга қарши курашишнинг самарали механизмларидан бири норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини **коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишдир**.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда қабул қилинаётган қонунчилик ҳужжатлари сони ортиб бормоқда, ўз ўрнида ушбу ҳужжатлар коррупциядан холи бўлиши, жамиятнинг озчилик манфаатини ифода этмаслиги нуқтаи назардан коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилиши лозим.

“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг **24-моддасида** Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасидан ўтказишнинг умумий шартлари белгиланди.

Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелдаги **“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги** Қонуннинг 25-моддасига биноан, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси ҳуқуқий ва коррупцияга қарши экспертизалардан ўтказилиши шартлиги белгиланди ва **2021 йилдан бошлаб** коррупцияга қарши экспертиза алоҳида ҳуқуқий экспертизадан ажратилган ҳолда амалга оширилиши йўлга қўйилди.

**2022 йилда** Адлия вазирлиги томонидан коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилган **344 та** норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳасида **534 та** коррупциявий омил аниқланди ҳамда лойиҳа ишлаб чиқувчиларига уларни бартараф этиш бўйича тегишли таклифлар берилган.

**534 та** коррупциявий омилларнинг:

- **136 таси** ёки **26 фоизи** маъмурий тартиб-таомилларнинг мавжуд эмаслиги ёки тўлиқ эмаслиги;
- **123 таси** ёки **23 фоизи** дискрецион ваколатларнинг кенглиги;
- **43 таси** ёки **8 фоизи** норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ўртасида зиддиятларнинг мавжудлиги;
- **38 таси** ёки **7 фоизи** ноаниқ ва асоссиз ҳаволаларнинг келтирилганлиги;
- **23 таси** ёки **4 фоизи** вақт чегараларининг аниқ белгиланмаганлиги,
- **171 таси** ёки **32 фоизи** бошқа коррупция омиллари билан боғлиқ.

Ижобий натижа кўрсатган вазирлик ва идоралар					Салбий натижа кўрсатган вазирлик ва идоралар			
т/р	Вазирлик ва идоралар	Келган лойиҳалар	Чеклист илова қилинган (%)	Коррупция вий омил аниқланган (%)	Вазирлик ва идоралар	Келган лойиҳалар	Чеклист илова қилинган (%)	Коррупция вий омил аниқланган (%)
1.	Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат бўйича давлат инспекцияси	6	6 (100)	0 (0 %)	Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати	12	4 (33)	5 (42 %)
2.	Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш кўмитаси	19	19 (100)	1 (5 %)	Космик тадқиқотлар ва технологиялар агентлиги	5	2 (40)	1 (20 %)
3.	Туризм ва маданий мерос вазирлиги	63	63 (100)	5 (10 %)	Давлат тест маркази	3	2 (67)	2 (67 %)
4.	Давлат божхона кўмитаси	52	52 (100)	7 (12 %)	Ёшлар ишлар агентлиги	14	11 (78)	6 (42 %)
5.	Олий суд	21	19 (90)	1 (5 %)	Давлат экология кўмитаси	22	14 (63)	2 (9 %)

Коррупцияга қарши экспертизани ўтказиш тартиби тўғрисидаги Низомнинг 13-бандига кўра, лойиҳаларнинг коррупцияга қарши экспертизаси ишлаб чиқувчи томонидан ушбу Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклдаги **чеклистни** Услубиёт асосида тўлдириш орқали ўтказилиши белгиланган.

Бироқ, ушбу даврда коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш учун киритилган **2 256 та** лойиҳанинг **391 таси** ёки **17 фоиз** ҳолатда чеклист тўлдирилмаган.

Коррупцияга қарши **экспертиза ўтказилмасдан** туриб Адлия вазирлигига киритилган **энг кўп лойиҳалар** салмоғи қуйидаги вазирлик ва давлат идораларига тўғри келмоқда:

Тошкент шаҳар ҳокимлиги **25 та**;

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги **22 та**;

Соғлиқни сақлаш вазирлиги **21 та**

Энергетика вазирлиги **14 та**;

Оила ва хотин қизлар давлат кўмитаси **14 та**;

Ўзбекистон савдо-саноат палатаси **14 та**;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги **13 та**;

Маданият вазирлиги **11 та**;

Қурилиш вазирлиги **11 та**.

Бундан кўринадики, давлат органлари ва ташкилотлар томонидан қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш фаолиятига юзаки ёндашилмоқда.

2022 йилнинг январь-декабрь ойларида давлат органлари ва ташкилотлар томонидан коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилиб, коррупциявий омиллар мавжуд эмаслиги тўғрисида чеклист тўлдирилган ҳолда Адлия вазирлигига ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш учун киритилган **293 та** лойиҳаларда Адлия вазирлиги томонидан **457 та** коррупциявий омил аниқланди.

Лойиҳаларда аниқланган **энг кўп коррупциявий омиллар** салмоғи қуйидаги вазирлик ва давлат идораларига тўғри келмоқда:



### **Амалдаги қонунчилик ҳужжатларининг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш ҳолати**

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 26 мартдаги 140-сон Қарори билан тасдиқланган 2022 йилда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш режаларига асосан, Адлия вазирлиги ҳамда вазирлик ва идоралар ҳамкорликда **2022 йил** давомида **ижтимоий таъминот, ижтимоий суғурта ва ижтимоий ҳимоя, молия, кредит ва банк фаолияти, тадбиркорлик ва хўжалик фаолияти** ҳамда **божхона иши** ва **ташқи иқтисодий фаолият**ни тартибга солувчи **1 791 та** амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилиб, шундан **238 тасида 339 та** коррупциявий омил аниқланган.

Аниқланган **339 та** коррупциявий омилни бартараф этиш бўйича **3 та** норматив-ҳуқуқий ҳужжат (1 та қонун, 1 та Президент фармони ва 1 та Вазирлар Маҳкамаси қарори) лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ва Вазирлар Маҳкамасига киритилган.

Шу билан бирга, аксарият вазирлик ва идоралар томонидан амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишга юзаки ёндашиш ҳолатлари кузатилмоқда. Хусусан,

– Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (**37 та**), Қурилиш вазирлиги (**8 та**), Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ва Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги (**4 тадан**), “Ўзелтехсаноат” уюшмаси (**3 та**), Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши (**2 та**), Инновацион ривожланиш вазирлиги, Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, Миллий гвардия ва “Ўздонмаҳсулот” АЖ (**1 тадан**) томонидан Режа ижроси тўлиқ бажарилиши таъминланмаган;

– Ипакчилик ва жун саноатини ривожлантириш қўмитаси **16 та**, Инновацион ривожланиш вазирлиги, Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш вазирлиги **8 тадан**, Маданият вазирлиги, Давлат асиллик даражасини белгилаш палатаси **3 тадан** (жами **38 та**) норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш натижасида бирорта ҳам коррупциявий омиллар аниқланмаганлигини маълум қилган.

Адлия вазирлиги томонидан норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш бўйича йўл қўйилган камчилиликлар юзасидан **Энергетика вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Тошкент вилоят ҳокимлигига тақдимномалар** киритилган.

## **7. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир чора-тадбирлар**

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддасига асосан, Ижтимоий-иқтисодий соҳада коррупциянинг олдини олиш чора-тадбирлари сифатида **тадбиркорлик, давлат харидлари, таълим, соғлиқни сақлаш, қурилиш, ижтимоий таъминот, коммунал хизмат кўрсатиш** ва бошқа соҳаларда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, ушбу соҳаларда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш назарда тутилган.

**1. Тадбиркорлик соҳасида** коррупциянинг олдини олиш мақсадида тадбиркорлик субъектларининг фаолиятини текшириш тизимини такомиллаштириш, уларнинг фаолиятига қонунга ҳилоф равишда аралаштиришга йўл қўймаслик, тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида **2 591 та** таъсир чораси қўлланилган, шундан **51,3 млрд** сўмлик **182 та** даъво аризаси (шикоят), **131 та** тақдимнома, **82 та** огоҳнома, **70 та** хулоса ва **2 126 та** маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилди.

Натижада **32,8 млрд** сўмлик даъво тадбиркорлар фойдасига қаноатлантирилиб, уларнинг жами **436 гектар** ер майдонига бўлган мулк ҳуқуқлари тикланди, **198 та** қарор (ҳужжат) бекор қилинди, **123 нафар** масъул шахс интизомий жавобгарликка тортилди, **4,5 миллиард** сўмдан ортиқ асоссиз ҳисобланган қарздорлик бекор қилинди.

Тадбиркорлик субъектлари фаолияти текширувларини тартибга солиш мақсадида **“Ягона давлат назорати”** ахборот тизими ишга туширилиб, 2022 йил 1 ноябрдан барча текширувлар ахборот тизимида рўйхатга олиниши мажбурийлиги белгиланди.

*Маълумот учун: Ҳозирда ахборот тизимига **43 та** назорат органининг **46 443 та** мажбурий талаб реестри, текшириш ҳуқуқига эга бўлган **18 мингдан ортиқ** мансабдор шахс ҳақидаги маълумотлар ва **505 та** назорат функцияси ягона реестри жойлаштирилган.*

Текширувлар ўтказилишининг қонунийлиги юзасидан амалга оширилган мониторинг доирасида **18 та** назорат органи томонидан **747 та** ноқонуний текширув ўтказилганлиги, **20 та** назорат органи томонидан **15 280 та** ҳолатда текшириш ўтказиш тартиби бузилганлиги аниқланди.

Аниқланган, қонунбузилиши ҳолатлари бўйича **666 нафар** мансабдор шахсга нисбатан маъмурий баённома расмийлаштирилган, **31 нафар** ходимга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилган.

Ўзбекистон тадбиркорлик этикаси кодекси ишлаб чиқилди ва **10** минг нусхада чоп этилиб тадбиркорларга тарқатилди.

Тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини амалга оширишда **коррупция ҳолатларига дуч келиши** ҳолатларини ўрганиш бўйича **4 мингдан** ортиқ тадбиркорлик субъектлари ўртасида **ижтимоий сўровнома** ўтказилди.

Сўровнома натижаларига кўра, тадбиркорлар **банклардан кредит олишда**, тадбиркорлик ва шаҳарсозлик фаолияти учун **ер участкаларини ажратишда**, **лицензия** ва **божхонада** кўрсатиладиган давлат хизматлари соҳасида энг кўп коррупциявий ҳолатларга дуч келаётганини маълум қилган.

Тадбиркорлик субъектларини коррупцияга қарши курашишга фаол жалб қилиш мақсадида **265 та** тадбиркорлик субъектлари “**Ўзбекистон бизнесининг коррупцияга қарши курашиш**” хартияси аъзолигига қабул қилинди.

Хартия аъзолигига кирган тадбиркорлик субъектлари томонидан коррупциянинг олдини олиш бўйича **ҳалол бизнес юритиш**, хўжалик шартномаларида **коррупцияга қарши курашиш шартларни киритиш**, шунингдек, хусусий секторда **ички назорат тузилмаларини** ташкил қилиш бўйича тартиблар йўлга қўйилмоқда.

**2. Давлат активларини реализация** қилиш йўналишида шаффофликни таъминлаш ҳамда соҳада инсон омилини камайтириш орқали коррупциянинг олдини олишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, 2022 йилда соҳада **4 та** давлат хизматлари Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали кўрсатиш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикасининг “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 февралдаги 71-сон Қарори қабул қилиб, мазкур Қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва юридик шахслари томонидан уларга доимий фойдаланиш (эгаллик қилиш), ижара ёхуд мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгаллик қилиш ҳуқуқи асосида тегишли бўлган ер участкаларини хусусийлаштириш “**YerxususiyLashtirish**” ААТ орқали амалга оширилиши белгиланди.

Очиқлик, шаффофлик ва рақобат муҳитини янада яхшилаш мақсадида давлат активларини “**нол**” харид қийматида сотиш ва инвестиция ҳамда ижтимоий мажбуриятлар асосида “**1 сўм**” бошланғич қийматда оммавий савдоларга чиқариш **амалиёти бекор қилинди**.

Ўз навбатида, давлат мулкни ижарага бериш “**E-auksion**” электрон савдо платформаси орқали шаффоф тарзда амалга оширилиб келинмоқда. Жумладан, 2022 йил давомида умумий майдони 2,9 млн кв метр бўлган 13 220 та давлат объекти 161,9 млрд сўм бошланғич нарх билан ижара учун аукцион савдоларига чиқарилди.



**“E-auksion”** электрон савдо платформасида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари асосида давлат активлари, мол-мулкларни ва ер участкаларини мулк ва ижарага бериш бўйича кимовди (аукцион ва танлов) савдолари ўтказиб келинмоқда.

2022 йилда 25 та йўналиш бўйича **19,1 трлн** сўмлик жами **583 806 та** давлат ва нодавлат объектлари реализация қилиш учун электрон онлайн савдоларга чиқарилди.

Давлат мулкани сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича давлат Комиссияси қарорлари асосида 2022 йил давомида **39 та** йирик давлат объектлари нархи эълон қилинмаган ҳолда савдога чиқарилиб, шундан **4 таси** бўйича ғолиб аниқланиб, савдо натижалари эълон қилинган.

**3. Коррупция хавф-хатарлари юқори бўлган капитал қурилиш, соғлиқни сақлаш, олий таълим ва давлат харидлари соҳасида “Коррупциясиз соҳа”** лойиҳаларини амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар давом этмоқда.

### **Қурилиш соҳасида:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 февралдаги **71-сон** қарори қабул қилиниб, **барча турдаги бўш турган** ер участкаларини аниқлаш ва доимий равишда **Yerelektron.uz** га жойлаб бориш тартиби йўлга қўйилди.

Капитал қурилиш соҳасидаги **лойиҳа-қидирув ташкилотлари рейтингини ҳисоблаш ва юритиш тартиби такомиллаштирилиши** натижасида баҳолаш мезонлари **60 та** кўрсаткичдан **39 тага** камайтирилди.

Лойиҳа ҳужжатларини **экспертизадан ўтказиш** шаффоф электрон тизимга ўтказилди, экспертиза органларига қоғоз ҳужжатлар тўпламини такдим этиш амалиётидан **тўлиқ воз кечилди**. Хусусан, 2022 йил давомида жами **26 706 та** объект лойиҳаси ушбу тизим орқали экспертизадан ўтказилди. **Натижада** мазкур объектлар бўйича **6,7 трлн сўм** маблағ **тежаб қолинди**.

“Шаффоф қурилиш” ахборот тизимида **“Экспертиза хулосаларининг ягона реестри”** яратилди.

**Шаҳарсозлик фаолиятини лицензиялаш** электрон шаклга ўтказилиб, 2022 йилда шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш учун **503 та**, қурилишнинг айрим турлари амалга ошириш учун **250 та** лицензия берилди.

**“Шаффоф қурилиш” миллий ахборот тизимида** ўтказилган **12 122 та** электрон тендерлар натижасида объектлар бўйича **1,064 трлн сўм** пул маблағлари тежаб қолинди.

Иш турлари, қурилиш материаллари, машина ва механизмлари кўрсаткичларининг ягона базасини ўзида ифода этувчи **“Қурилиш ресурслари миллий классификатори”** ишлаб чиқилди.

Классификатор **113 мингдан ортиқ** номдаги (қурилиш материаллари, техникалар, иш турлари ва бошқа) **ресурслардан** иборат бўлиб, **35 та** китоб, қисм, бўлим ва гуруҳлар кесимида таснифланди.

Қурилиш соҳасида давлат назорати такомиллаштирилди ва назорат функциялари кучайтирилди, назорат инспекторлари **300 та** замонавий



планшетлар билан таъминланди, объектларда **қурилиш-синов лаборатория** ишларини ўз вақтида олиб бориш мақсадида ҳудудий инспекциялар **16 та замонавий мобил кўчма лабораториялар** билан таъминланди.

Қурилиш назорати тизими **рақамлаштирилди**, жумладан, ҳудудий инспекциялар рўйхатидан ўтган **32 519** та объектда шаҳарсозлик субъектлари ҳамда назорат қилувчи органлар фаолиятини **онлайн режимда кузатиб бориш** имкони яратилди.

CERT international халқаро ташкилоти томонидан Қурилиш соҳасида назорат инспекцияси ва унинг ҳудудий инспекциялари тегишли тартибда аудитдан ўтказилиб, **ISO 9001:2015, ISO37001:2016** сертификатларига эга бўлди.

### **Соғлиқни сақлаш соҳасида:**

“Электрон соғлиқни сақлаш” тизими доирасида **22 та** ахборот тизими ишлаб чиқилиб, тиббиёт муассасаларида жорий этилди. Жумладан, “Электрон поликлиника”, “Тиббиёт ахборот тизими”, “Наркологик диспансер”, “Психологик диспансер”, “Бемор”, “Эмлаш”, “Хатлов”, “Туғилиш ва ўлим”, “ПСР-тест тизими” ва бошқалар ишга туширилди.

Тиббиёт муассасалари ходимларнинг ойлик маошлари **15 фоизга** оширилди, юқори малакали ходимларга қўшимча устамалар жорий этилди.

Тиббиёт муассасалари фаолиятига замонавий бошқарув менежмент тизими жорий этилмоқда.

Соҳада коррупциянинг олдини олишга қаратилган **26 минг дона** тарғибот материаллари тайёрланиб, **3 мингдан** ортиқ тиббиёт муассасалари, оилавий поликлиника ва шифохонанинг кириш жойларида жойлаштирилди ҳамда **“Соғлиқни сақлаш ходимлари учун коррупцияга қарши курашишга оид эслатма”** тайёрланиб, тизим ходимларига тарқатилди.

Тизимдаги коррупцияга оид ҳолатлар ҳақида тезкор хабар бериш учун **“1203”** қисқа рақамли **“Ишонч телефони”** - Call-марказ ташкил этилди.

Давлат тиббиёт муассасаларида бюджет маблағлари ҳисобидан имтиёзли тоифага кирувчи шахсларга квота асосида ордер беришни тўлиқ **электрон шаклда** амалга ошириш механизми жорий этилди.

Даволаш-профилактика муассасаларининг тасдиқланган **пулли хизматлари** миқдори вазирликнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилиши таъминланди.

Туғруқ комплексларидаги коррупцион муносабатлар, уларнинг сабаб ва шарт-шароитлари тўғрисида **“Stop korrupsiya”** кўрсатуви тайёрланиб, “Mening Yurtim- MY5” телеканалда намойиш этилди.

Тиббий фаолиятни лицензиялаш тўлиқ электрон тарзда **“Litsenziya”** ахборот тизими орқали амалга ошириш йўлга қўйилди.

### **Олий таълим соҳасида:**

ОТМ фаолияти очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, таълим жараёнини автоматлаштириш йўналишида ишлар давом эттирилди, **113 та** ОТМда **HEMIS** ахборот тизимининг тўлиқ версияси жорий этилди.

Касбий (иждий) имтиҳонлар жараёнини <https://imtihon.edu.uz/> платформасида онлайн трансляцияси ташкил этилди.

Имтиҳонлар жараёнида коррупциявий ёки жонли эфирга узатиш тартибига риоя этмаслик ҳолатларига дуч келганда вазирликнинг телеграмдаги @EduAntiCorruptionBotга ёки 1006 “Ишонч телефон рақами” орқали мурожаат қилиш имконияти яратилди.

Тизимни рақамлаштириш мақсадида **10 дан ортиқ** [kontrakt.edu.uz](http://kontrakt.edu.uz), [prof-kontrakt.edu.uz](http://prof-kontrakt.edu.uz), [magistr.edu.uz](http://magistr.edu.uz), [stipendiya.edu.uz](http://stipendiya.edu.uz), [diplom.edu.uz](http://diplom.edu.uz), [adabiyot.edu.uz](http://adabiyot.edu.uz), [kasb.edu.uz](http://kasb.edu.uz), [unilibrary.uz](http://unilibrary.uz) каби электрон платформалар ишга туширилди.

Талабалар ва профессор-ўқитувчилар томонидан коррупциявий ҳолатлар хусусида вазирликка аноним мурожаат қилишни таъминлаш мақсадида @antikoredu расмий телеграм боти фаолияти йўлга қўйилди.

2022 йилда ОТМ талабалари ва педагог ходимлари ўртасида **338 маротаба** аноним сўровлар ўтказилди, 140 минга яқин талаба ва 100 минг нафардан зиёд педагог ходимлар иштирок этди.

Коррупцияга қарши курашиш “комплаенс-назорат” тизимини бошқариш бўлимлари томонидан ОТМларда жами **49 та** коррупция аломатлари мавжуд бўлган ҳолатлар аниқланиб, улардан 37 таси бўйича тўпланган ҳужжатлар прокуратура (20 та), ички ишлар (12 та), давлат хавфсизлиги хизмати (5 та) органларига тақдим этилди, **80 нафар** профессор-ўқитувчилар ва ходимларнинг фаолиятида тамагирлик ва коррупцияга мойиллик ҳаракатлари аниқланиб, уларнинг **28 нафари** билан тузилган меҳнат шартномалари бекор қилинган, шунингдек, интизомий жавобгарлик чоралари қўлланилган.

## 8. Давлат харидлари соҳасида коррупциянинг олдини олиш

Давлат харидлари соҳасида “коррупциясиз соҳа” лойиҳаси доирасида бир қатор ишлар амалга оширилди.

**Биринчидан**, Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 майдаги 276-сон Қарори билан давлат харидларини электрон шаклда ўтказишнинг умумий қоидалари ва шартлари, тўғридан-тўғри шартномалар бўйича давлат харидларини амалга ошириш тартиби, давлат буюртмачилари томонидан тузилган давлат харидлари тўғрисидаги Шартномаларнинг ягона реестрини юритиш қоидалари белгиланиб, ушбу йўналишдаги ҳуқуқий бўшлиқлар бартараф қилинди.

**Иккинчидан**, 2022 йил давомида давлат харидларида бюджет маблағларини талон-торож қилиш ҳамда бошқа коррупция кўринишлари билан боғлиқ **жиноятлар комплекс таҳлил қилинди. Таҳлилларга кўра**, ҳуқуқбузарликлар асосан тендер харид савдоларида ҳужжатларни сохталаштириш, маҳсулотларни *сунъий қиммат нархларда сотиб олиш*, харид қилинган маҳсулотларни *кирим қилмаслик ва иш, хизматларни бажармаслик, қўшиб ёзиш ёки етказиб бермаслик*, танлов ўтказмасдан, танловда иштирок

этмаган буюртмачига алоқадор корхоналарни ғолиб деб топиш ёки *ноқонуний равишда тўғридан-тўғри шартномалар тузиш* орқали содир этилган.

Мазкур ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида Молия вазирлиги ҳамда Жаҳон банки вакиллари билан ҳамкорликда давлат харидлари соҳасида коррупциявий ҳолатларни (шубҳали харидларни) аниқловчи ва шаффофликни таъминловчи **электрон платформа** ишлаб чиқилди.

**Учинчидан**, давлат харидлари соҳасидаги **норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар коррупцияга қарши экспертизадан** ўтказилди. Жумладан, давлат харидларини тўғридан-тўғри ёки тендер савдоларини ўтказмасдан амалга оширувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар хатловдан ўтказилиб, хатлов натижаларига кўра тегишли таклифлар тайёрланди.

Мазкур таклифлар асосида 2022 йил 9 ноябрда “Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-244-сонли фармони қабул қилинди. Унга кўра, 2023 йил 1 мартдан:

– вазирлик (идора, муассаса) ва унинг таркибидаги ташкилот (муассаса) ўртасида қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг **3 500 баравари** ва **ундан юқори** бўлган товарлар (ишлар, хизматлар)нинг тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилиниши **тақиқланиши** белгиланди.

**Тўртинчидан**, давлат харидларини амалга ошириш бўйича махсус ўқитиш тизими йўлга қўйилди. Жумладан, Молия вазирлиги ҳузуридаги ўқув маркази томонидан 2022 йил давомида давлат буюртмачиларининг харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул бўлган мутахассисларининг **4 377 нафари** тендер (танлаш) савдоларини электрон шаклда ўтказиш бўйича **малака ошириш курсларида** иштирок этди.

Шунингдек, ўқув маркази томонидан етказиб берувчилар малакасини ошириш юзасидан “Давлат харидлари” бўйича етказиб берувчилар учун 26 соатдан иборат махсус малака ошириш курси дастури тасдиқланиб, ушбу курсларда **400 нафардан ортиқ** етказиб берувчилар иштирок этди.

Бундан ташқари давлат харидларида “комплаенс-назорат” тизимини такомиллаштириш бўйича Агентлик томонидан жорий йилнинг **май, август, ноябрь ойларида** вазирлик ва идораларнинг коррупцияга қарши ички (комплаенс) назорат тузилмалари раҳбарлари учун давлат харидларини ўтказиш тартиби, давлат харидлари жараёнида юзага келиши мумкин бўлган коррупциявий хавф-хатарлар юзасидан икки кунлик **семинар-тренинг машғулоти** ўтказилди.

Амалга оширилаётган ислохотларга қарамасдан, ушбу соҳа коррупциявий хавф-хатарлар юқори бўлган ҳамда энг кўп коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарлик ҳолатлари амалга оширилаётган соҳалардан бири бўлиб қолмоқда.

Давлат буюртмачилари томонидан давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузиш **қуйидаги кўринишларда** намоён бўлмоқда.

- шартномаларни **ғазначилик органларидан рўйхатдан ўтказмасдан** тузиш орқали давлат харидларини амалга ошириш;

- рақобат усулларини четлаб ўтиш мақсадида **харидларни қисмларга бўлиш** орқали амалга ошириш;

- **манфаатлар тўқнашуви** ҳамда **аффилиланганлик** ҳолатлари мавжуд ҳолда давлат харидларини амалга ошириш.

Агентлик томонидан Республика бўйича Иқтисодий ва ҳакамлик судлари томонидан 2021 ва 2022 йилларда кўрилган шартномавий муносабатлар билан боғлиқ ишлар ўрганилганда давлат бюртмачилари томонидан қонунни бузган ҳолда рақобатли харид шакллари (танлов, тендер) амалга оширмасдан шартномалар тузиб, уларни **ғазначилик органларидан рўйхатдан ўтказмасдан** бажарилган иш ёки товарлар етказиб берилгандан кейин ушбу шартнома бўйича тўловларни суд орқали ундириш **тизимли амалиётга** айланганлиги маълум бўлди.

Хусусан, Республика бўйича **592 та** ҳолатда **427,2 млрд** сўмлик ғазначилик идорасидан рўйхатдан ўтмаган шартномалар бўйича тўловни ундириш учун суд қарорлари чиқарилган.

*Маълумот учун: Қонунчиликка кўра, агар шартнома Ғазначилик органларидан рўйхатдан ўтказилмаса, бажарилган иш учун бюджет маблағларидан тўловларни амалга ошириш мумкин эмас.*

Шу каби давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлиги учун мансабдор шахсларга нисбатан **молиявий назорат органлари** томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 175<sup>8</sup>-моддаси (Давлат харидлари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш) бўйича 2022 йилда **65 та** маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этилганлиги ҳақида баённомалар расмийлаштирилиб, суд органларига юборилган.

Давлат харидларини **тўғридан-тўғри** амалга ошириш шакли рақобатни чеклаб давлат буюртмачилари томонидан коррупция ҳолатларини келтириб чиқаришга имконият яратиб бермоқда.

Хусусан, давлат харидларида рақобатга асосланмаган тартиб-таомиллар мавжудлиги натижасида **2020 йилда** давлат харидларининг **38 %** (46,6 трлн сўм), **2021 йилда 40 %**, 2022 йилда эса **41,9 %** (85,7 трлн сўм) рақобатсиз **тўғридан-тўғри** тузилган шартномалар орқали амалга оширилган.

“Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунда харид қилиш тартиб-таомиллари бўйича миқдорий чегаралар ўрнатилган бўлса-да, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 30 сентябрдаги 833-сонли қарорида маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар, хом ашё ва материаллар республиканинг барча истеъмолчилари учун **тендерларсиз тўғридан-тўғри** электрон кооперация биржаси портали орқали харид қилиниши қайд этилган.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни аниқлашнинг аниқ мезонлари белгиланмаганлиги, шунингдек, реализация қилинаётган товарларнинг айнан савдода қатнашаётган етказиб берувчи томонидан ишлаб чиқарганлигини назорат қилиш тизими тўлиқ йўлга қўйилмаганлиги натижасида электрон кооперация биржаси порталида **импорт товарлар** реализация қилинмоқда.

Шунга асосан, тўғридан-тўғри шартномалар бўйича давлат харидларини амалга оширишда коррупция омилларини қисқартиришнинг янги механизмларини жорий этиш лозим.

## **9. Аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги билимларини ошириш**

Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган давлат дастурига асосан, “Ҳалоллик вакцинаси” тамойили асосида давлат хизматчиларининг **коррупцияга қарши курашиш** борасидаги билимларини доимий ошириб бориш амалиёти йўлга қўйилмоқда.

Ушбу вазифага масъул бўлган Агентлик, Давлат хизматларини ривожлантириш агентлиги, Бош прокуратура академияси ҳамда Давлат бошқарув академияси томонидан ўқув дастурлари, масофавий таълим платформалари орқали тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Жумладан,

**Давлат хизматларини ривожлантириш агентлиги** томонидан “Давлат фуқаролик хизматчилари учун масофавий малака ошириш курси” ([ilm.argos.uz](http://ilm.argos.uz)) доирасида “Давлат органлари ва ташкилотларида коррупцияга қарши курашиш” мавзусида видеоманара, тақдимот, тестлар, машқлар, савол-жавоблар ва глоссарийдан иборат ўқув курслари ташкил этилиб, бугунги кунга қадар мазкур курсларда **53 508 нафар** давлат фуқаролик хизматчилари иштирок этиб, сертификат олиши таъминланди.

Давлат органлари ва ташкилотларининг ҳудудий ва туман (шаҳар) таркибий бўлинмалари раҳбар кадрлари учун ташкил этилган қисқа муддатли ўқув курслари доирасида **5 891 нафар** давлат фуқаролик хизматчисининг коррупцияга қарши курашиш бўйича билим ва кўникмалари оширилди.

Истиқболли ёш давлат фуқаролик хизматчилари учун ташкил этилган “**Келажак лидерлари**” махсус ўқув курсларида, раҳбарлик лавозимлари учун **Миллий кадрлар захирасига киритилган номзодлар** учун ташкил этилган малака ошириш курсларида коррупцияга қарши курашиш борасидаги мавзулар киритилиб, ўқув машғулотлари ташкил этилди.

Шунингдек, давлат фуқаролик хизматчиларининг ишдан бўш вақтида масофавий шаклда малакасини ошириб бориш мақсадида ишга туширилган [ilm.argos.uz](http://ilm.argos.uz) масофавий платформасининг “Конституция ва бошқа қонунчилик” рукни доирасида “Коррупцияга қарши курашиш” мавзусида ўқув дарси жойлаштирилган бўлиб, бугунги кунда мазкур платформада **62 972 нафар** давлат фуқаролик хизматчиси рўйхатдан ўтган.

Давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги билимини ошириш **Бош прокуратура академияси** (кейинги ўринларда – Академия деб юритилади) фаолиятининг **асосий йўналишларидан** бири ҳисобланади. Шунга асосан, Академия томонидан турли даражадаги давлат хизматчилари учун **5 та** ўқув курслари ташкил этилган.

2022 йил давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасида давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг **698 нафар** ходимлари учун **20 та** малака



ошириш тадбирлари ўтказилган. Шу жумладан, малака ошириш тарзидаги ўқув курсларидан **16 таси** масофавий шаклда ташкил этилиб, уларда жами **601 нафар** коррупцияга қарши курашишга масъул бўлган ва бошқа ходимлар малака оширган. Курсларни муваффақиятли тамомлаган **454 нафар** (ёки 75,5%) тингловчиларга сертификатлар тақдим этилган.

Шунингдек, Академия томонидан жамиятда коррупцияга нисбатан мурасимсиз муносабатни шакллантириш мақсадида **20 га** яқин семинарлар, давра суҳбатлари ва бошқа учрашувлар ташкил этилиб, уларда **2 000 нафарга** яқин давлат хизматчилари ва бошқаларнинг иштирок этиши таъминланди, **50 га** яқин мақолалар газета ва журналларда ҳамда бошқа илмий нашрларда чоп этилди, интернет тармоқлари орқали **30 га** яқин ва телевидение орқали **8 марта** чиқишлар қилинган.

Академия магистратурасининг “Коррупцияга қарши курашиш” йўналиши тингловчилари томонидан 2021-2022 ўқув йилларида коррупцияга қарши курашишга оид илмий жиҳатдан долзарб мавзулар бўйича **10 та** тадқиқот ишлари амалга оширилди. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) даражасини олиш учун “12.00.12 – Коррупция муаммолари (юридик фанлар)” ихтисослиги бўйича **3 та** диссертациялар ҳимоя қилинди.

**Давлат бошқаруви академияси** томонидан “**Ҳалоллик вакцинаси**” тамойили асосида давлат хизматчилари учун ўқув курсларини сифатли ташкил этиш мақсадида “**Коррупцияга қарши курашиш**” ўқув дастури тасдиқланиб, дарсликлар, видеодарслар ва бошқа ўқув-услубий материаллар онлайн Академия таълим платформасига жойлаштирилди.

Академияда малака ошириш курслари тингловчилари учун мунтазам равишда коррупцияга **қарши курашиш, манфаатлар тўқнашуви ва одоб-ахлоқ қоидалари бўйича модулларда** малака ошириш йўлга қўйилган.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ва Давлат бошқаруви академияси ҳамкорлигида давлат хизматчилари, олий таълим муассасалари талаба ва тингловчилари, тадқиқотчилар ҳамда мазкур соҳага қизиқувчи кенг китобхонлар оммаси учун мўлжалланган “**Коррупцияга қарши курашиш**” номли дарслик чоп этилди.

Дарсликда жамиятда коррупцияга қарши мурасимсизлик маданиятини шакллантириш, давлат хизматчилари одоб-ахлоқи ва маданияти, давлат хизматида манфаатлар тўқнашувини бартараф этишнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, коррупцияга қарши курашишда хорижий тажриба каби мавзулар ёритилган.

## 10. Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 12 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-81-сон Қарорига мувофиқ, Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизими бўйича давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти баҳоланди (2022 йил бўйича).

*Маълумот учун: Ушбу рейтинг баҳолаш ҳар йили амалга оширилиб, баҳолаш натижалари 1 мартга қадар эълон қилиниши белгиланган.*

Жумладан, **62 та** давлат ташкилотининг коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлиги 0 баллдан 100 баллгача рейтингда баҳоланиб, **12 та** ташкилот фаолияти самарадорлиги “яхши” – (81-100 балл), **30 та** ташкилот “қониқарли” – (55-80 балл) ва **20 та** ташкилот “қониқарсиз” – (55 баллдан паст) тоифаларга ажратилди.<sup>1</sup>

*Маълумот учун: 63 та вазирлик ва идоралар рейтинг баҳолашдан ўтказилиши белгиланган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги томонидан электрон платформа орқали маълумотлар юборилиши таъминланмади.*

### **1-гурӯҳ** – фаолияти “**яхши**” деб топилган ташкилотлар

Солиқ кўмитаси, “Ўзбекистон саноат-қурилиш банки” АТБ, “Ипотека-банк” АТИБ, “Ўзкимёсаноат” АЖ, Божхона кўмитаси, Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги, Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, “Ўзбекистон миллий электр тармоқлари” АЖ, “Асакабанк” АЖ, “Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки” АЖ, Давлат активларини бошқариш агентлиги ҳамда Адлия вазирлигининг ушбу йўналишдаги фаолияти “**яхши**” деб топилди.

### **2-гурӯҳ** – фаолияти “**қониқарли**” деб топилган ташкилотлар

Баҳолаш натижаларига кўра, “**қониқарли**” деб топилган **30 та** давлат ташкилоти фаолиятида коррупцияга қарши курашиш бўйича белгиланган чоралар амалга оширилган бўлса-да, айрим масалаларга эътиборсизлик билан қараш, шу жумладан, белгиланган тадбирлар ижросини назорат қилиш соҳасида камчиликлар мавжудлиги кузатилди.

Шу билан биргаликда, ушбу идораларда коррупцияга қарши белгиланган талабларнинг доимий равишда бажарилишини назорат қилиш бўйича самарали тизим яратилмаган.

Масалан, “**Uzbekistan Airways**” АЖ (56 балл), **Жиззах вилояти хокимлигида** (59 балл) коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш ва минималлаштириш бўйича деярли чоралар кўрилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги (76 балл), “Олмалик тоғ-металлургия комбинати” АЖ (68 балл) ҳамда “Ўзавтосаноат” АЖда (62 балл) эса аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга

<sup>1</sup> Умумий рейтинг натижалари Миллий маърузанинг иловалар қисмида келтирилган.

қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмаган.

Шунингдек, Фарғона вилоят ҳоқимлиги (55 балл), Ўзбекистон Республикаси акциядорлик тижорат Халқ банкида (56 балл) вакант ўринларга танловлар ташкил этиш бўйича маълумотлар тўлиқ тақдим этилмаган. Давлат харидлари тартиб-таомилларини амалга оширишда контрагентларни текшириш бўйича белгиланган талабларга риоя қилинмаган. Коррупцияга қарши курашда шахсий намуна сифатида ОАВ ва тадбирларда коррупцияга қарши курашиш бўйича чиқишлар қилиш масаласига “Ўзбекқўмир” АЖ (68 балл) раҳбарияти ҳам бефарқ қараган.

### *3-гурӯҳ – фаолияти “қониқарсиз” деб топилган ташкилотлар*

Сурхондарё вилояти ҳоқимлиги (11 балл), Сув хўжалиги вазирлиги (13 балл), Андижон вилояти ҳоқимлиги (18 балл) томонидан коррупцияга қарши курашиш тизимини йўлга қўйиш бўйича умуман ишлар амалга оширилмаганлиги натижасида баҳолаш бўйича энг паст натижани қайд этди.

Худди шундай, “Uzbekistan Airports” АЖ (23 балл), “Микрокредитбанк” АТБ (29 балл), Қашқадарё вилояти ҳоқимлиги (31 балл), Тошкент вилояти Бўка тумани ҳоқимлиги (32 балл), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши (33 балл), Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ҳоқимлиги (34 балл), Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (34 балл), Марказий банк (37 балл), “Алоқабанк” АТБ (37 балл), Автомобиль йўллари қўмитаси (37 балл), “Тошшаҳартрансхизмат” АЖ (39 балл) ҳам ушбу йўналишдаги ҳужжатлар ижро этилмаганлиги туфайли коррупцияга қарши курашиш самарадорлиги жуда паст даражада эканлиги қайд этилди.

Ўтказилган рейтинг баҳолаш натижалари асосида давлат ташкилотлари томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасида белгиланган вазифаларнинг қай даражада самарали амалга оширилаётганини мониторинг қилиш билан бир қаторда аниқланган камчиликларни бартараф этиш, соҳада соғлом рақобат муҳитини кучайтириш, ташкилот раҳбарларининг масъулиятини оширишга хизмат қилади.

Баҳолаш яқунлари бўйича Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан қуйидаги ишларни амалга ошириш **режалаштирилган**:

**“яхши”** деб баҳоланган давлат ташкилотларининг коррупцияга қарши курашиш борасидаги ижобий тажрибасини оммалаштириш бўйича чора-тадбирларни белгилаш ва амалга ошириш;

**“қониқарли”** деб баҳоланган давлат ташкилотларига уларнинг коррупцияга қарши курашиш борасидаги фаолиятини янада яхшилаш бўйича тавсиялар киритиш ва уларни амалга оширишда қўмаклашиш;

**“қониқарсиз”** деб баҳоланган давлат ташкилотларида коррупцияга қарши курашишда аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва уларнинг ушбу йўналишдаги фаолиятини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилишини таъминлаб, унинг ижроси юзасидан тегишли раҳбарларнинг ҳисоботларини ҳар чоракда Коррупцияга қарши курашиш бўйича миллий кенгашнинг йиғилишларида эшитиш.

## 11. Давлат органлари ва ташкилотларининг Очиқлик индекси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-154-сон Фармониغا мувофиқ, давлат органлари ва ташкилотларида очиқлик бўйича амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги ва натижадорлигини баҳолашга қаратилган Очиқлик индекси шакллантирилди.

**2022 йил учун** Очиқлик индекси ўтган йилнинг иккинчи ярмини қамраб олинган даври учун Баҳолаш комиссияси томонидан баҳолашиб, Методикада белгиланган **84 та** баҳолаш мезонидан таркиб топган **8 та** индикатор асосида амалга оширилди.<sup>2</sup>

*Маълумот учун: Баҳолаш комиссияси Очиқлик индексини баҳолаш натижаларини кўриб чиқиш ҳамда Очиқлик индекси бўйича якуний қарор қабул қилувчи коллегиал орган ҳисобланиб, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат инспекцияси, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги мутахассислари, шунингдек, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати ҳамда ННТлар вакилларида ташкил топган.*

Баҳолашда умумий **86 та** вазирлик, идора ва муассасалар қамраб олинган бўлиб, улардан **21 таси** вазирлик, **14 таси** маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, **32 таси** давлат иштирокидаги ташкилотлар ҳамда **19 таси** кўмита ва агентликларни ташкил этган.

Умумий баҳолаш натижалари Миллий маърузанинг иловалар қисмида келтириб ўтилган.

Тўпланган балларнинг самарадорлик кўрсаткичлари Методикада белгиланган тартибга мувофиқ тоифаларга ажратилиб, унга кўра, **71 баллдан 100 баллгача** тўплаганлар - **“яшил”**, **55 баллдан 71 баллгача** бўлганлар - **“сарик”** ва **55 баллдан паст кўрсаткич қайд этганлар** - **“қизил”** тоифаларга киритилди.

**Очиқлик индексини** баҳолаш натижаларига кўра, **15 та** давлат органининг очиқликни таъминлаш фаолияти **“яшил”**, **44 таси “сарик”** ва **27 таси “қизил”** тоифадаги самарадорлик кўрсаткичларини қайд этган.

Энг юқори самарадорлик кўрсаткичлари **Статистика агентлиги 89 балл**, **Божхона кўмитаси 88 балл**, **Тошкент** вилоят ҳокимлиги **83 балл**, **Хоразм** вилоят ҳокимлиги **79 балл** ва “Навоий кон-металлургия комбинати” акциядорлик жамияти **79 балл** қайд этилган.

Эришилган натижаларнинг маҳаллий давлат ҳокимияти органлари кесимидаги таҳлиliga кўра, Жиззах вилоят ҳокимлиги **70 балл**, Фарғона **67 балл**, Тошкент шаҳар **66 балл**, Наманган **66 балл**, Бухоро **65 балл**, Навоий **64 балл**, Сурхондарё **60 балл**, Қашқадарё **59 балл** ва Қорақалпоғистон

<sup>2</sup> Умумий Очиқлик индекси натижалари Миллий маърузанинг иловалар қисмида келтирилган.

Республикаси Вазирлар Кенгаши **58 балл** кўрсаткичлари билан **“сарик”** тоифада баҳоланган.

Самарқанд, Сирдарё ва Андижон вилоят ҳокимликлари **55 баллдан** паст кўрсаткич қайд этиб, **“қизил”** тоифада баҳоланган.

**“Қизил”** тоифада баҳоланган Самарқанд, Сирдарё ва Андижон вилоят ҳокимликлари томонидан индикаторлардаги айрим баҳолаш кўрсаткичлари талабларини ижросини таъминлашга қаратилган бирор-бир амалий чора-тадбир амалга оширилмаган.

Масалан, **Андижон вилоят ҳокимлиги** томонидан умумий баҳоланган **84 та** баҳолаш мезондан **25 таси** ёки **30%** бўйича тегишли ахборот ресурслари орқали бирор-бир маълумот очиқланмаганлиги сабабли **“0” балл** билан баҳоланган.

Шу каби салбий кўрсаткичлар Сирдарёда **28 тани (33%)** ва Самарқанд вилоят ҳокимлигида **29 тани (35%)** ташкил этган.

**“Қизил”** тоифада баҳоланган республика даражасидаги идоралардан энг паст кўрсаткични **Кинематография агентлиги (40 балл)**, **Ёшлар сиёсати ва спорт вазирлиги (47 балл)**, **Ёшлар ишлари агентлиги (52 балл)**, **Ташқи ишлар ва Қишлоқ хўжалиги вазирликлари (54 балл)** қайд этган.

Айрим давлат органлари ва ташкилотларининг очиқликни таъминлаш кўрсаткичларини барча индикаторлар бўйича қўшганда **40%лик** натижани ҳам қайд этмаганлигини таъкидлаш лозим.

#### **Бундай салбий кўрсаткичлар:**

- Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматида - **35 баллни;**

- Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигида - **33 баллни;**

- **“Қишлоққурилишинвест”** Инжиниринг компаниясида **22 баллни;**

- **“Йўлқурилиш”** акциядорлик жамиятида ва Ўзбекистон миллий телерадиокомпаниясида **21 баллни** ташкил қилган.

Ушбу жамият ва идоралар томонидан очиқликни таъминлаш борасидаги мажбуриятларининг ижро этиш кўрсаткичлари **40% дан** ҳам паст кўрсаткич қайд этилганлигини кўриш мумкин.

Ижроси таъминланмаган баҳолаш мезонлари бўйича энг салбий кўрсаткич Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясига тааллуқли бўлиб, компания томонидан умумий **84 та** баҳолаш мезонларидан **59 таси** ёки **74%** бажарилмаганлиги сабабли **“0” балл** билан баҳоланган.

Шу каби кўрсаткичлар, **“Қишлоққурилишинвест”** инжиниринг компаниясида **63 тани ёки 70%ни**, **“Йўлқурилиш”** акциядорлик жамиятида **52 тани ёки 62%ни**, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигида **45 тани ёки 54% ва** Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизматида **41 тани ёки 49%ни** ташкил қилган.

Очиқлик индексини баҳолаш тизими тўлиқ рақамлаштирилган ҳолда, кенг жамоатчиликка соҳадаги амалга оширилган ишларнинг самарадорлик ва натижадорлик кўрсаткичларини **“Open.index”** платформаси орқали реал вақт режимида кузатиш имконияти яратилди.



Ушбу платформа нафақат мониторинг ва баҳолаш жараёнлари, балки давлат идораларининг ушбу соҳадаги фаолиятини самарали ташкил этиш имкониятлари ҳам кўзда тутилган.

**Масалан,** платформада давлат идораларидаги очиқликни таъминлашга масъул ходимни даврий янгиланадиган очиқ маълумотни ахборот ресурсига жойлаштириш муддати хақида олдиндан хабар бериш тизими жорий этилган.

Шунингдек, баҳолаш натижаларидан келиб чиқиши мумкин бўлган эътирозларни ортиқча бюрократия ва қоғозбозлик тизимисиз платформа орқали йўллаш имконияти яратилди.

## 12. Халқаро рейтинг ва индекслар


Мамлакатларда коррупция даражасини, коррупцияга қарши курашиш бўйича ислохотлар самарадорлигини ҳамда аҳоли томонидан коррупцияни қабул қилиш даражасини баҳоловчи қуйидаги халқаро рейтинглар мавжуд:

“**Transparency International**” коррупцияни қабул қилиш, “**Trace Matrix**” порахўрлик матрицаси, “**Open data inventory**” каби рейтинг ва индекслар бевосита коррупция ва очиқлик даражасини баҳолашга ихтисослашган бўлса, “**Жаҳон одил судлов лойиҳаси**” халқаро ноҳукумат ташкилотининг ҳуқуқ устуворлиги индекси, Жаҳон Бошқарув сифати индикаторлари (**WGI**) каби рейтинг ва индекслар таркибида ҳам коррупцияга қарши курашиш бўйича алоҳида суб индекслар мавжуд.

### 1. “Transparency International” коррупцияни қабул қилиш индекси (+14 поғона)

2022 йил учун “Transparency International” нинг коррупцияни қабул қилиш индекси янги рейтингида Ўзбекистон **14 поғонага** кўтарилиб, индекс баҳосида қаторасига **9 йил** давомида барқарор ўсишига эришилган (2013 йилда 17 балл билан 168 ўрндан 2022 йилда 31 балл билан 126 ўрингача).

Маълумот учун: Бу борада Ўзбекистон Марказий Осиё давлатлари орасида ўсишига эришган ягона давлат ҳисобланади.



“Коррупцияни қабул қилиш” индекси манбаларидаги натижалар:

т/р	Манба номи	100 баллдан (2022/2021)
1	Bertelsmann Foundation Transformation Index	29/29
2	Economist Intelligence Unit ташкилотининг Мамлакатлар рейтинги	20/20
3	Freedom House ташкилотининг “Ўтишдаги мамлакатлар” рейтинги	24/24
4	Global Insight ташкилотининг “Бизнес муҳити ва хавф кўрсаткичлари” ҳисоботи	35/35
5	CPIA - world Bank “Мамлакатлар сиёсий ва институционал баҳолаш” ҳисоботи	35/27 (+8)
6	World Justice Project ташкилотининг “ҳуқуқ устуворлиги индекси”	37/36 (+1)
7	“Демократия турлари (V-Dem)” лойиҳаси	25/26 (-1)
8	PRS International Country Risk Guide	41/-

**Мазкур рейтингдаги ижобий натижаларнинг асосий омиллари:**

- ✓ превентив механизмларни қўллаш устуворлик касб этаётганлиги, Агентлик ташкил этилганлиги;
- ✓ коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш соҳасидаги аниқ чораларни белгилаб берувчи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1 та Фармони ва 2 та қарори имзоланганлиги;
- ✓ давлат харидлари жараёнлари рақамлаштирилиб, онлайн платформалар орқали амалга ошириш тизими яратилганлиги;
- ✓ ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш мақсадида лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомиллари такомиллаштирилгани;
- ✓ лицензия бериш жараёнида шаффофлик ортгани.

**2. “Жаҳон одил судлов лойиҳаси” халқаро ноҳукумат ташкилотининг ҳуқуқ устуворлиги индекси (+4 *поғона*).**

Жаҳон одил судлов лойиҳаси мустақил ва нотижорат халқаро ташкилотининг қонун устуворлиги ва тенгликни таъминлашга қаратилган индекс бўлиб, унда коррупциянинг мавжуд эмаслиги фактори ва унинг таркибидаги барча суб-индексларда ўсиш қайд этилган (0,47 балл билан 66 ўринни эгаллаган).

*Маълумот учун: Индекс 140 мамлакатда қонун устуворлиги, очиқлик, хавфсизлик, фуқаровий ва жиной одил судлов каби 8 та факторлар бўйича баҳоларини эълон қилиб боради.*

Умумий балл		Факторлар							
		Ҳукумат ваколатлари чекланганлиги		Коррупция мавжуд эмаслиги		Ҳукумат очиклиги		Фундаментал ҳуқуқлар	
Балл (+/-)	Ўрин (+/-)	Балл (+/-)	Ўрин (+/-)	Балл (+/-)	Ўрин (+/-)	Балл (+/-)	Ўрин (+/-)	Балл (+/-)	Ўрин (+/-)
0,50 <i>+0,01</i>	78 <i>+7</i>	0,38 <i>0,00</i>	114 <i>+7</i>	0,47 <i>+0,01</i>	66 <i>+4</i>	0,36 <i>0,00</i>	122 <i>+1</i>	0,45 <i>+0,01</i>	107 <i>+2</i>
Факторлар									
Тартиб ва хавфсизлик		Қонунларга риоя этиш		Фуқаролик одил судлови		Жиноий одил судлов			
Балл (+/-)	Ўрин (+/-)	Балл (+/-)	Ўрин (+/-)	Балл (+/-)	Ўрин (+/-)	Балл (+/-)	Ўрин (+/-)	Балл (+/-)	Ўрин (+/-)
0,90 <i>0,00</i>	16 <i>0</i>	0,45 <i>+0,01</i>	99 <i>+6</i>	0,50 <i>0,00</i>	75 <i>+3</i>	0,46 <i>+0,01</i>	65 <i>+2</i>		

### 3. Жаҳон Бошқарув сифати индикаторлари (WGI) (+15 нуғона).

Жаҳон Бошқарув сифати индикаторларининг коррупцияни назорат қилиш йўналишида Ўзбекистон -0,81 балл билан 213 та давлат орасида 161 ўринни эгаллаган (2021 йилда -1,05 балл билан 176 ўрин).

Маълумот учун: Жаҳон Бошқарув сифати индикаторлари Жаҳон банки томонидан 200 дан ортиқ мамлакат учун 6 йўналишида юритиладиган рейтинг ҳисобланади.

Аҳоли фикрини инобатга олиш ва ҳисобдорлик		Сиёсий барқарорлик ва зўравонлик/терроризмнинг мавжуд эмаслиги		Ҳукумат самарадорлиги		Тартибга солиш сифати		Ҳуқуқ устуворлиги		Коррупцияни тийиб туриш	
Балл (+/-)	Ўрин (+/-)	Балл (+/-)	Ўрин (+/-)	Балл (+/-)	Ўрин (+/-)	Балл (+/-)	Ўрин (+/-)	Балл (+/-)	Ўрин (+/-)	Балл (+/-)	Ўрин (+/-)
-1,40 <i>(+0,13)</i>	182 <i>(+12)</i>	-0,24 <i>(+0,19)</i>	130 <i>(+19)</i>	-0,20 <i>(+0,33)</i>	116 <i>(+22)</i>	-0,58 <i>(+0,40)</i>	144 <i>(+33)</i>	-0,89 <i>(+0,19)</i>	168 <i>(+13)</i>	<b>-0,81</b> <i>(+0,24)</i>	<b>161</b> <i>(+15)</i>

### 4. “Trace Matrix” порахўрлик матрицаси (+16 нуғона).

“Trace bribery risk matrix” порахўрлик матрицасида Ўзбекистон 2021 йилда 59 балл билан (1 баллдан 100 баллгача баҳоланади, 1 балл – энг ижобий) 147-ўриндан 2022 йилда 58 балл билан 131-ўрингача кўтарилган.

Маълумот учун: “Trace bribery risk matrix” етакчи фуқаролик жамияти институтлари, халқаро ташкилотлар, жумладан, БМТ, Жаҳон банки, Готенбург университети қошидаги V-Dem институти ва Жаҳон иқтисодий форумидан олинган тегишли маълумотларни жамлаган ҳолда 190 дан ортиқ

мамлакатларда бизнес юритиш давомида порахўрлик хавф-хатарларини баҳоловчи индекс ҳисобланади.

2021 йил		2022 йил	
Умумий Балл	Ўрин	Умумий Балл	Ўрин (+/-)
59	147	58	131 (+16)

### 5. “Open data inventory” рейтингги (+5 ногона).

Мазкур рейтингда Ўзбекистон 2020 йил натижаларига кўра 63 балл билан 45 ўринни эгаллаб, 2022 йилда 66 балл билан **40 ўринга** кўтарилди.

Маълумот учун: *Open data watch* халқаро ташкилоти томонидан давлат органлари ва ташкилотлари томонидан эълон қилиб бориладиган очиқ маълумотларнинг сифати ва халқаро стандартларга мос равишда эълон қилинишини ҳар 2 йилда баҳолаб боради.

2020 йил		2022 йил	
Умумий Балл	Ўрин	Умумий Балл	Ўрин (+/-)
63	45	66 (+3)	40 (+5)

Сўнги йилларда ушбу рейтингларнинг аксариятида Ўзбекистон Республикаси барқарор ўсишни қайд этиб келаётган кам сонли давлатлардан бири ҳисобланади.

Шунингдек, соҳада халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларининг кенгайиб бориши, халқаро стандартларнинг миллий қонунчиликка имплементация қилиниши, халқаро ҳужжатларга қўшилиш борасидаги чора тадбирлар ҳам халқаро рейтингларда ўрнимиз яхшиланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Хусусан, 2022 йилда Бош прокуратура Коррупцияга қарши курашувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг **Глобал оператив тармоғига** (GlobE Network) қўшилди.

Мазкур тармоқ ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга коррупцияга оид жинойтларга қарши кураш соҳасида тажриба ва маълумот алмашинуви орқали халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган.

2022 йилда Қозоғистонда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгаши доирасида бўлиб ўтган саммит доирасида МДҲ давлатлари ўртасида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш ҳамда ҳамкорликнинг механизмларини такомиллаштириш мақсадида **Битим имзоланди.**

Битим иштирокчи-давлатлар томонидан мувофиқлаштирилган коррупцияга қарши курашиш сиёсатини олиб бориш, қўшма дастур ва тадбирларни амалга ошириш, соҳага оид маълумот алмашиш ва тарғибот ишларида ўзаро ҳамкорлик қилиш вазифаларини ўз ичига олган.

Ҳужжат, шунингдек, коррупциявий жиноятлар бўйича кўмак кўрсатиш, ахборот тизимларини яратиш, тезкор-қидирув фаолиятни амалга ошириш ҳамда кадрлар малакасини оширишда ҳамкорлик қилиш йўналишларини камраб олади.

### **13. Жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш ва жамоатчилик назоратини ривожлантириш**

Коррупцияга қарши курашиш соҳасида қабул қилинаётган **норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда** аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш бешта йўналиш бўйича белгиланган индикаторлардан бири сифатида “Коррупцияга қарши курашиш бўйича тегишли соҳа ёки тармоқ кесимида аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ушбу иллатга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга қаратилган тарғибот тадбирларининг самарадорлиги” йўналиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2022 йилда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорида масъул давлат органлари ва ташкилотлари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш жараёнида қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда мустақил экспертлар ва кенг жамоатчиликни фаол жалб қилиш чораларини кўриб бориши қайд этилди.

Вазирлар Маҳкамасининг “2022-2023-йилларда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида” 2022-йил 16-майдаги 259-сон Қарорида Ўқувчилар ва талабалар ўртасида коррупцияга қарши муросасизлик туйғусини шакллантиришга қаратилган иншолар танловини ўтказиш ҳамда “Коррупцияга қарши курашиш ойлиги”ни ўтказиш каби вазифалар акс этди.



Ушбу вазифаларни амалга ошириш мақсадида қуйидаги ишлар амалга оширилди:

**Биринчидан**, бутун республика миқёсида **“Аксилкоррупция ҳафталиги”** ташкил этилди.

Тадбирлар сентябрь ойидан бошланди ва декабрь ойига қадар давом этди. Жумладан, **2 та халқаро Форум** ташкил этилди (23 сентябрь куни “II Тошкент Аксилкоррупция форуми”, 29 ноябрь куни “Ўзбекистон бизнес ҳамжамиятида ҳалоллик” II бизнес-форуми бўлиб ўтди).

Уларда АҚШ, Корея, Гонконг, Малайзия, Латвия, Озарбайжон каби мамлакатларнинг коррупцияга қарши курашиш бўйича органлари вакиллари, шунингдек, хорижий экспертлар, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотлар, вазирлик ҳамда идоралар, фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашлари томонидан ёшларда коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши муросасизлик туйғусини шакллантиришга қаратилган **“Коррупцияга қарши биргаликда курашамиз”** мавзусидаги иншолар танлови бўлиб ўтди.

Танлов республиканинг **200 дан ортиқ** туман шаҳарларида умумий ўрта таълим мактабларининг 8–11 синфлари, лицей ва профессионал таълим муассасалари ўқувчилари ва олий таълим муассасалари талабалари ўртасида ташкил этилди.

Коррупцияга қарши курашишга чорловчи ижтимоий анимацион роликлар республика бўйлаб (Кабел телевидениеси, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят марказларининг аҳоли гавжум қисмлари, Тошкент темир йўл вокзали ва “Афросиёб” тез юрар поездлари, Тошкент автовокзали ва ҳудудлараро қатновчи автобусларда) намойиш этилди.

5-9 декабрь кунлари **17 та** ташкилотда вазирлик, идоралар ҳамда марказий муассасаларда очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, коррупциявий хатарларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, соҳада замонавий аксилкоррупциявий тизимларни жорий этиш бўйича амалга оширилган ишлар билан кенг жамоатчиликни таништириш мақсадида **“Очиқ эшиклар куни”** тадбирлари ташкил этилди.

**Иккинчидан**, ННТларни бу жараёнга фаол жалб этиш ва уларни рағбатлантириш мақсадида Агентлик буюртмасига асосан, Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди томонидан **2 та** мавзуда **500 млн** сўмлик лойиҳалар амалга оширилди. Хусусан:

Журналистларни қайта тайёрлаш маркази томонидан Навоий, Қашқадарё, Самарқанд, Бухоро, Жиззах вилоятларида **150 дан ортиқ** журналист ва блогерлар учун тренинглари ташкил этилди.

“Ижтимоий фикр” маркази билан ҳамкорликда 2022 йилнинг апрель-май ойида республика бўйича **1100 респондент** иштирокида Коррупция ва коррупциявий ҳолатларнинг жамият ҳаётига тарқалганлик даражасини аниқлаш бўйича комплекс тадқиқот ўтказилди.

Шунингдек, халқаро ҳамкорлар билан биргаликда грант ва ижтимоий буюртмалар эълон қилиниб, мамлакатимизда фаолият юритаётган ННТлар билан ҳамкорликда **9 та** лойиҳа учун **70 минг АҚШ доллари** ажратилди.

Голиб бўлган ННТларнинг аксарияти ҳудудларда (11 та ННТнинг **5 таси Сирдарё, Фарғона, Навоий, Бухоро** вилоятларида) фаолият олиб боради.

Лойиҳалар натижасида аёллар ва ёшларнинг коррупцияга оид билими оширилди, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари учун **қўлланмалар, Аксилкоррупция комикслар** тўплами, олий таълим муассасасида **коворкинг маркази** ташкил этилди.

**Учинчидан**, коррупцияга қарши курашиш, унга нисбатан муросасизлик кайфиятини шакллантирувчи ННТлар, журналистлар, жамоатчилик фаоллари учун **3 та** семинар-тренинг ташкил этилди ва унда **120 дан ортиқ** иштирокчи камраб олинди.

Хусусан, 2022 йилнинг 15-16-июль кунлари “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашишда хотин-қизларнинг ролини кучайтириш ва фаоллигини ошириш” мавзусида **30 дан ортиқ** ННТ, ОАВ ва жамоатчилик фаоллари иштирокида тренинг ташкил этилди.

2022 йил 13 сентябрь куни коррупцияга қарши курашиш йўналишида ижтимоий буюртмаларнинг амалга оширилиши мавзусида амалий машғулот ташкил этилди.

2022 йил 5 декабрь куни “**Коррупцияга қарши курашишда фуқаролик жамияти институти вакилларининг иштироки: муаммо ва ечимлар**” мавзусида нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари билан мулоқот бўлиб ўтди.

**Тўртинчидан**, Миллий ва ҳудудий кенгашлар билан ҳамкорлик йўналишида бир қатор ишлар амалга оширилди.

Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши фаолияти мувофиқлаштириб борилди ва Миллий кенгашнинг **2 та** йиғилиши ташкил этилди.

Кенгаш томонидан мамлакатда коррупциянинг олдини олиш ҳамда соҳалар ва ҳудудлар миқёсида **превентив чораларни** кучайтириш, “**Коррупциясиз соҳа**” лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш ва жамоатчилик назоратини кучайтиришга қаратилган иш режалари қабул қилиниб, уларнинг ўз вақтида амалга оширилиши таъминланмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган Давлат дастури ижроси ҳамда давлат харидлари ва соғлиқни сақлаш соҳаларида “**Коррупциясиз соҳа**” лойиҳасининг амалга оширилиши юзасидан масъул раҳбарларнинг ҳисобот (ахборот)лари эшитилди.

Аксилкоррупция сиёсатида оид ислохотларни жойларда самарали татбиқ этиш борасидаги ишлар аҳволини таҳлил қилиш мақсадида **14 та** ҳудудда Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашининг жойларда **соҳалардаги коррупциявий ҳолатларни бартараф** этиш, келиб чиқиш **сабабларини олдини олишга** қаратилган эшитувлар ташкил этилди.

Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашлари учун **август-декабрь** ойлари давомида коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашлари

фаоллигини ошириш, жойларда коррупциянинг олдини олиш бўйича белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш мақсадида **12 та мавзуда** тизимли равишда семинар машғулотлари ташкил этилди.

**Шунингдек, 2022 йил 2 декабрь** кунини Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашлари учун ҳудудий кенгашлар фаолияти самарадорлигини ошириш, кенгаш масъул котиблари ва бошқа аъзоларининг кенгашлар фаолиятини тўғри ташкил этишга оид кўникмаларини юксалтириш, ҳудудий кенгашлар ўртасида тажриба алмашиш, ўзаро мулоқотни яхшилаш ва йўл қўйилаётган камчиликларни ҳамкорликда бартараф этиш мақсадида семинар ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши мажлисининг 6-сонли баённомасига асосан, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Коррупцияга қарши курашиш ҳудудий кенгашларининг фаолиятини рейтинг баҳолаш методикаси тасдиқланган бўлиб, ушбу методика бўйича 14 та ҳудуднинг 2022 йилнинг **июль-декабрь ойлари** учун фаолияти баҳолаб чиқилди.

Ҳудудий кенгашлар фаолияти қуйидаги **йўналишларда** қилинган ишлар бўйича баҳоланди:

- ҳудудий кенгаш томонидан амалга ошириладиган ташкилий чоралар;
- ҳудудий кенгашнинг ОАВ билан ҳамкорлиги ва тарғибот йўналиши;
- сўровлар ва мониторинг ташкил этиш, таклифлар бериб бориш;
- ҳудудий раҳбарларнинг ҳисобдорлигини ошириш ва профилактик чоралар.

Ҳудудлар миқёсида **Жиззах – 66 (51) (ОАВ билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган)** **Хоразм вилояти – 59 (31) (ОАВ билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган)** ва **Бухоро – 54 (43) (ҳудудий кенгаш томонидан амалга ошириладиган ташкилий чоралар)** ҳудудий кенгашлари нисбатан юқорирақ балл тўплади.

**Тошкент шаҳар – 41 (40), Фарғона – 43 (40), Андижон – 46 (37), Сирдарё – 47 (37) ва Сурхондарё - 47 (45)** ҳудудий кенгашлари эса қолганларга нисбатан кам балл тўплади.

**Маълумот учун:** 2022 йил 1 ярим йиллик натижаларида Жиззах, Тошкент, Наманган вилоятлари энг юқори, Тошкент шаҳри, Сирдарё, Андижон, Самарқанд, Хоразм вилоятлари паст балл олган ҳудуд бўлган.

Ҳар икки ҳисобот даврида ҳам Тошкент шаҳри, Сирдарё, Андижон вилоятлари ўрин бўйича натижалари яхшиланмасдан қолмоқда.

#### **14. Аҳолининг коррупцияга муносабатини ўрганиш бўйича амалга оширилган ижтимоий тадқиқотлар**

Коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлигини, шунингдек, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасизлик кайфиятини аҳоли ўртасида ўтказилган ижтимоий тадқиқот натижалари кўрсатиб беради.

Шу сабабдан ҳам коррупцияга қарши курашиш йўналишида ижтимоий тадқиқотларни амалга ошириш келгусидаги вазифаларни белгилашда муҳим аҳамият касб этади.

2022 йилда бу борада бир қатор ижтимоий тадқиқотлар ташкил этилди.

а) Коррупцияга қарши курашиш агентлиги буюртмасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди гранти асосида “Ижтимоий фикр” Республика жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан 2022 йилнинг 19-29 апрель кунлари **“Коррупция ва коррупциявий ҳолатларнинг жамият ҳаётига тарқалганлик даражаси жамоатчилик онгида идрок этилишини баҳолаш”** мавзусида сўров ўтказилди.

Сўров жараёнида мамлакатнинг барча минтақаларида 18 ва ундан катта ёшдаги **1100 нафар** фуқаро танлов асосида сўралди.

Сўровлар натижасида қуйидаги асосий хулосалар тақдим этилди:

**Коррупцияга қарши курашиш сиёсатининг натижаларини пасайтирувчи** ёки уларга салбий таъсир кўрсатувчи омиллар орасида асосийси шуки, аҳолининг салмоқли қисми **коррупцияни хулқ-атвор меъёри сифатида қабул қилади.**

**15%** сўров иштирокчилари, яъни ҳар олтинчи респондент **коррупция, тамагирлик, порахўрлик ҳолатларига шахсан дуч келган.**

Коррупциявий вазиятга тушгач, **тамагирнинг талабига кўнган ва пора берган респондентлар улуши 39,8%ни** ташкил этди. Фуқароларни **коррупциявий келишувга** ундайдиган асосий туртки уларнинг мавжуд муаммони ижобий ҳал қилиш истаги, муаммони қонуний йўл билан ҳал этиш имкони йўқлиги ёки вақтнинг мавжуд эмаслиги, жамиятда мансабдор шахсга кўрсатган хизматлари учун миннатдорчилик билдириш қоидаси, шунингдек, ҳуқуқий даражанинг пастлиги ва ўз манфаатларини қонуний йўл билан ҳимоя қилиш кўникмаларининг йўқлиги ҳисобланади.

Мансабдор шахсга мукофот беришга шайлик тўғрисидаги саволга **55,3%** ўзбекистонликлар қатъиян рад жавобини берди, яна **26,4%** иштирокчилар нафақат коррупциявий муносабатларга киришишдан бош тортди, балки **тамагирлик ҳолати ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари** ёки Коррупцияга қарши курашиш агентлигига **хабар беришга ҳам тайёрлигини билдирди.** Ҳар ўнинчи сўралган респондент (**10%**) бундай ўзаро муносабатда ўз иштирокини истисно этмади ва ўз муаммоларини ижобий ҳал қилиш ва **вақтни тежаш учун имкон бўлмаган вазиятда мансабдор шахсга мукофот беришга тайёрлигини айтди.**

Фуқароларнинг фикрича, **энг коррупциялашган соҳалар** ишга жойлашиш, соғлиқни сақлаш, олий таълим, кадастрни расмийлаштириш ва ер ажратиш масалалари, аҳолини табиий газ билан таъминловчи шаҳар ва туман хизматлари ҳисобланади.



**“КОРРУПЦИЯ ВА КОРРУПЦИЯВИЙ ҲОЛАТЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИГА ТАРҚАЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ ЖАМОАТЧИЛИК ОНГИДА ИДРОК ЭТИЛИШНИ БАҲОЛАШ” МАВЗУСИДА ЎТКАЗИЛГАН ИЖТИМОЙ СЎРОВ НАТИЖАЛАРИ**



Ўзбекистон Республикаси  
**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ**  
КУРАШИШ АГЕНТЛИГИ



**16,2%** респондентларнинг фикрига кўра: Мураккаб вазиятларда муаммони ҳал қилиш учун танишлари ўз ташаббуси билан мансабдор шахсга пора беришни таклиф қилишган

Пора беришга таъма қилинган ҳолларда:



**55,3%** респондентлар пора бермасликларини;

**26,4%** респондентлар воқеа ҳақида тегишли органларга хабар беришларини;

**11,4%** респондентлар эса пора беришга тайёр эканликларини билдиришган



**44,1%** респондентлар фикрича, фуқаролар муаммони тезда ҳал қилиш, бюрократия, сансалорликларнинг олдини олиш учун пора беришади



Ҳар **10 респондент** порахўрликка нисбатан иккиёқлама муносабатлар мавжудлиги ҳақида фикр билдирди, яъни ҳамма уни оғизда гўёки қоралайди, амалиётда эса пора беришади



**62,7%** респондентлар фақат фуқаролик жамияти институтларининг давлат органлари билан ўзаро ҳамкорлиги, ҳар бир ўзбекистонликнинг фаол фуқаролик позициясигина коррупция хавфини камайтириш имконини беришига ишонади



Коррупцияни олдини олишнинг энг самарали воситаси – бу?

**48,4%** респондентлар коррупцияга қарши курашишда коррупция жиноятлари учун жазони кучайтириш

**42,6%** респондентлар коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш

Маъмур ижтимоий сўров 2022 йил апрель ойида “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган

**“КОРРУПЦИЯ ВА КОРРУПЦИЯВИЙ ҲОЛАТЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ҲАЁТИГА ТАРҚАЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ ЖАМОАТЧИЛИК ОНГИДА ИДРОК ЭТИЛИШНИ БАҲОЛАШ” МАВЗУСИДА ЎТКАЗИЛГАН ИЖТИМОЙ СЎРОВ НАТИЖАЛАРИ**



Ўзбекистон Республикаси  
**КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ**  
КУРАШИШ АГЕНТЛИГИ



Ҳар **4-респондент** соғлиқни сақлаш муассасаларида коррупциянинг кенг ва ҳамма жойда тарқалганлигини кўрсатган; ҳар **3-респондент** бу соҳадаги коррупция айрим жойларда рўй бераётганини қайд этган



**13,4%** респондентлар банк тизимида коррупция ҳолатлари кенг тарқалганлигини билдирган



**20,3%** респондентлар олий ва ўрта махсус таълим тизимида коррупция кенг ва ҳамма жойда тарқалганини; **30,9%** респондентлар тизимда коррупция кенг тарқалмаганлигини таъкидлаган



Пора бериш таклиф қилинган

**41,9%** респондент ушбу таклифга рози бўлганлигини қайд этган;

Ҳар **3-респондент** коррупциявий келишувни рад этиб, пора бермаганини ва олмаганини айтган



Сиз коррупция, тамағирлик, порахўрлик ҳолатларига дуч келганмисиз?

саволга:

**15%** респондентлар “Ҳа”

**84,7%** респондентлар коррупциявий ўзаро муносабатлар борасида шахсий тажрибага эга эмас, ҳеч қачон пора берган ёки олган эмас деб жавоб қайтарди



Коррупциявий вазиятга дуч келган респондентларнинг

**3,6%** коррупция факти ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар беришган

Аксарият фуқаролар бундай вазиятларда қандай ҳаракат қилиш кераклиги ҳақида аниқ тасаввурга эга эмас

Маъмур ижтимоий сўров 2022 йил апрель ойида “Ижтимоий фикр” республика жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази томонидан ўтказилган

б) “Юксалиш” умуммиллий ҳаракати ва “Минтақавий мулоқот” халқаро нодавлат ташкилоти билан ҳамкорликда амалга оширилаётган “**Аксилкоррупция лабораторияси**” лойиҳаси доирасида “Давлат-хусусий шериклик асосида мактабгача таълим муассасаларини ташкил этишда ва



уларнинг фаолиятида ноҳалоллик хавфи омиллари” мавзусида ўрганишлар ташкил этилди.

**7 та** ҳудуддаги туман мактабгача таълим бўлимлари, ҳокимликлар, банклар вакиллари, давлат-хусусий шериклик асосидаги мактабгача таълим муассасалари раҳбарлари, тарбияланувчиларнинг ота-оналари билан сўровлар ўтказилди.

Тадқиқотда давлат-хусусий шериклик асосидаги мактабгача таълим муассасалари учун лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашда тадбиркорларнинг **25 фоизи ариза бериш тартибини мураккаб, 17 фоизи шаффоф эмас, 10 фоизи ўта бюрократик** деб атаган.

Сўров натижалари асосида қонунчиликни ва тизимни такомиллаштириш учун тегишли таклифлар ишлаб чиқилди

**в) U-Report** лойиҳаси билан ҳамкорликда **11 000 нафардан ортиқ** ёшлар иштирокида сўровнома ташкил этилди.

Сўровнома натижаларига кўра, **31 фоиз** респондентлар коррупция ҳолатига дуч келса, қаерга мурожаат қилишни билмаслигини, ислоҳотлар тўғрисида фикр билдирганларнинг **30 фоизи** коррупциявий ислоҳотларни ўрта даражада самара бераётми, янада фаоллаштириш керак, **18 фоизи** самарали деб жавоб беришган, коррупцияга асосий сабаб сифатида эса одамларнинг очкўзлигини (**24 %**), жазонинг муқаррар эмаслигини (**15 %**) сабаб сифатида кўрсатишган.



## ХУЛОСА

Коррупцияга қарши кураш борасида амалга оширилаётган ислохотлар коррупциянинг оқибатлари билан эмас, балки унинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этишга қаратилаётганлиги билан алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Хусусан, давлат органлари фаолиятининг очиқ ва шаффофлигини таъминлаш, жамоатчилик назоратини самарали йўлга қўйиш, коррупцияга қарши ички назорат тизимларини жорий этиш, ОАВ эркинлигини таъминлаш, коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш орқали камайтириш чораларини кўриш, давлат хизматчиларининг малакасини ошириш борасидаги қилинаётган ишлар коррупциянинг олдини олишдаги муҳим превентив механизмлар бўлиб хизмат қилмоқда.

Бундан ташқари, коррупция даражасини баҳолаш бўйича халқаро ташкилотларнинг рейтинг натижалари ҳам Ўзбекистонда бу борадаги ишларнинг ижобий томонга ўзгариб бораётганлигини тасдиқлайди.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2021-2022 йилларга мўлжалланган давлат дастурининг ижро этилиши натижасида коррупцияга қарши курашиш соҳасида ислохотларнинг ягона ёндошув асосида самарали амалга оширилиши таъминланди.

Амалга оширилаётган ислохотларга қарамасдан коррупция муаммоси мамлакатимизда ҳалигача долзарб муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Буни коррупцияга оид жиноятлар сонининг йилдан-йилга ошиб бораётганлиги, аҳолининг коррупция муаммосига бўлган салбий муносабати ўзида акс эттирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 декабрдаги Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган мурожаатномасида коррупция масаласига алоҳида тўхталиб, ўтган икки йилда 5 мингга яқин мансабдор коррупцияга доир жиноятлар бўйича жавобгарликка тортилганлиги, лекин бу — масаланинг сабаби билан эмас, оқибати билан курашиш эканлигини, депутат ва сенаторлар, маҳаллий кенгашлар бонг уриб, аниқ соҳаларни таҳлил қилиб, коррупцияни бартараф этиш бўйича фаол бўлишлари кераклиги таъкидланди.

Бундан ташқари, Мурожаатномада бугунги кунда коррупцияга қарши курашиш борасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси шакллантирилиб, ҳуқуқий асослар яратилганлиги, эндиликда амалий ишларни кучайтириш, очиқликни таъминлаш ва жамоатчилик назорати кўламини кенгайтириш орқали мавжуд бўлган сунъий монополиялар, турли хил схемалар, умуман, коррупцияга имкон бераётган барча бўшлиқларга барҳам бериш устувор вазифалар сифатида белгилаб берилди.

Шу сабабдан ҳам коррупцияга қарши курашиш борасидаги ислохотларни изчил давом эттириб, фуқаролик жамияти институтлари, ОАВ вакиллари ва кенг жамоатчиликни ушбу иллатга қарши кучли жамоатчилик назоратини ўрнатиш орқали кураш олиб боришга жалб этиш олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир.

## ТАКЛИФ ВА ТАВСИЯЛАР

Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат сиёсатини амалга ошириш соҳасидаги қонунчилик ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳамда Олий Мажлиси топшириқлари ижросини, шунингдек, халқаро ташкилотлар ва экспертлар доирасида берилган тавсияларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида қуйидагилар таклиф этилади:

1. Коррупцияга қарши курашиш соҳасида ишлаб чиқилган **қуйидаги лойиҳаларни** қабул қилиб, амалиётга жорий этиш чораларини кўриш:

– Коррупцияга қарши курашиш агентлиги тўғрисидаги қонун;  
– Давлат хизматчиларининг даромадлари ва мол-мулкани декларация қилиш тўғрисидаги қонун;

– Коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очиқ электрон реестрини юритиш тўғрисидаги қонун;

– Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш тўғрисидаги қонун;

– Давлат фуқаролик хизматида қариндош-уруғчилик (непотизм)нинг олдини олиш тўғрисидаги қонун;

– Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун (*Коррупция қарши курашиш агентлиги фаолиятига аралашганлик учун жавобгарликни белгилаш бўйича*);

– Ўзбекистон Республикасида аҳоли ва давлат хизматчиларининг коррупцияга қарши курашиш бўйича ҳуқуқий онги ва билимини ошириш чоратadbирлари тўғрисидаги фармон.

Мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши Агентлик ваколатларининг тўлиқ амалга оширилишига, БМТ конвенцияси ҳамда ИХТТ тавсиялари, давлат дастурларида белгиланган топшириқларнинг ўз вақтида ижро этилишига, шунингдек, Ўзбекистоннинг халқаро рейтинг ва индексларда ўрни янада яхшиланишига хизмат қилади.

2. Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлатнинг яқин истиқболдаги асосий йўналишини белгилаб берувчи Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2024–2030 йилларга мўлжалланган миллий стратегияни ишлаб чиқиш.

3. Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган давлат дастурини ишлаб чиқиш.

4. Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотлар рўйхатини янада кенгайтириш.

5. Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари мустақиллигини таъминлаш мақсадида ички назорат тузилмалари фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш.

6. Давлат харидлари тизимида коррупциянинг олдини олиш мақсадида жавобгарлик чораларини кучайтириш, жумладан, давлат харидлари тўғрисидаги қонунчилик талабларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик масаласини ҳал этиш, шунингдек, электрон давлат харидларини самарали ташкил этилишини таъминлаш.

7. Фуқаролик жамияти институтлари, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг чинакам эркинлигини таъминлаш орқали уларни коррупцияга

қарши курашиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, амалга ошириш ва ижросини мониторинг қилишда иштирок этишга жалб этиш.

8. Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Шарқий Европа ва Марказий Осиё давлатлари учун коррупцияга қарши курашиш тармоғининг Истанбул ҳаракатлар режаси доирасида ўтказиладиган 5-босқич мониторинг чора-тадбирларига тайёргарлик кўриш.

9. Давлат ташкилоти раҳбарининг коррупцияга қарши курашиш йўналишида шахсий жавобгарлигини белгиловчи аниқ мезон (индикатор)ларни ишлаб чиқиш ҳамда қонунчилик ҳужжатларида акс эттириш.

10. Коррупциявий хавф-хатарлар юқори бўлган соҳаларда “коррупциясиз соҳа” лойиҳаларини амалга оширишни давом эттириш.

11. Давлат хизматида рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни ривожлантириш орқали “инсон омили” таъсирини камайтиришга қаратилган электрон платформалар сонини кўпайтириш.

12. Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашишда жамоатчилик назоратини кучайтириш ва аҳолининг бу борадаги ҳуқуқий онгини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг **2020 йил 31 декабрь** кунидаги 829-сон Қарори бўйича тарғибот-ташвиқот ишларини жадаллаштириш бунда, жумладан, қарор талаблари юзасидан фуқароларга тушунарли ва содда кўринишда махсус видеороликларни тайёрлаш ҳамда аҳоли ўртасида тарғибот ва ташвиқот ишларини мунтазам олиб бориш.







DAVLAT ORGANLARI VA TASHKILOTLARIDA OCHIQLIK BO'YICHA AMALGA OSHIRILAYOTGAN ISHLARNING SAMARADORLIGI VA NATIJADORLIGINI BAHOLASHGA QARATILGAN OCHIQLIK INDEKSI-2022



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
KORRUPSIYAGA QARSHI  
KURASHISH AGENTLIGI

TASHKILOTLAR	BALL	TASHKILOTLAR	BALL	TASHKILOTLAR	BALL
1. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi	88,8	16. Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Soliq qo'mitasi	70,5	40. «Agrobank» ATB	62
2. Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Bojxona qo'mitasi	88,3	17. Jizzax viloyati hokimiyati	70,3	41. Tog'-kon sanoati va geologiya vazirligi	61,9
3. Toshkent viloyati hokimiyati	83,3	18. Suv xo'jaligi vazirligi	70,1	42. «Olmaliq kon-metallurgiya kombinati» AJ	61,8
4. Xorazm viloyati hokimiyati	78,7	19. Davlat aktivlarini boshqarish agentligi	69,8	43. Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi	61,8
5. "Navoiy kon-metallurgiya kombinati" AJ	76,2	20. Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi Innovatsion rivojlanish agentligi	69,7	44. «O'zkimyosanoat» AJ	61,3
6. Raqamli texnologiyalar vazirligi	75,5	21. «Issiqlik elektr stansiyalari» AJ	69,4	45. Surxondaryo viloyati hokimiyati	60,7
7. Madaniyat va turizm vazirligi	74,9	22. Sog'liqni saqlash vazirligi	68,8	46. «Xalq banki» ATB	60,7
8. Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligi	74,8	23. Iqtisodiyot va moliya vazirligi huzuridagi Kadastr agentligi	68,7	47. «Qishloq qurilish bank» ATB	60,1
9. Adliya vazirligi	74,6	24. «O'zbekgidroenergo» AJ	67,2	48. Qashqadaryo viloyati hokimiyati	59,4
10. Transport vazirligi	73,7	25. Farg'ona viloyati hokimiyati	67,2	49. «O'ztransgaz» AJ	59,2
11. Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligi	72,5	26. Investitsiyalar, sanoat va savdo vazirligi huzuridagi Farmatsevtika tarmog'ini rivojlantirish agentligi	67,1	50. «O'zagrolizing» AJ	59
12. Tabiat resurslari vazirligi	72,5	27. «Asaka» ATB	66,9	51. Energetika vazirligi	58,6
13. Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligi huzuridagi Bilim va malakalarni baholash agentligi	72	28. Tabiat resurslari vazirligi huzuridagi O'rmon xo'jaligi agentligi	66,5	52. «Mikrokreditbank» ATB	58,4
14. Raqobatni rivojlantirish va iste'molchilar huquqlarini himoya qilish qo'mitasi	71,7	29. Iqtisodiyot va moliya vazirligi	66,5	53. Transport vazirligi huzuridagi Avtomobil yo'llari qo'mitasi	58,1
15. «O'zsanoatqurilish» ATB	71,1	30. Investitsiyalar, sanoat va savdo vazirligi	66,3	54. Qoraqalpog'iston Respublikasi Vazirlar Kengashi	58,1
		31. Toshkent shahar hokimiyati	66,1	55. «O'zbekiston milliy elektr tarmoqlari» AJ	56,8
		32. Namangan viloyati hokimiyati	65	56. «Tashqi iqtisodiy faoliyat milliy banki» AJ	56,8
		33. Buxoro viloyati hokimiyati	63,9	57. Maktabgacha va maktab ta'limi vazirligi huzuridagi Maktabgacha ta'lim agentligi	56
		34. Qurilish va uy-joy kommunal xo'jaligi vazirligi	63,8	58. Ichki ishlar vazirligi	55,8
		35. «O'zbekko'mir» AJ	63,7	59. Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Din ishlari bo'yicha qo'mita	55,2
		36. «O'zbekneftgaz» AJ	63,7		
		37. Navoiy viloyati hokimiyati	62,2	71 ball dan 100 ballgacha bo'lganda — "yashil"	
		38. «O'zbekiston temir yo'llari» AJ	62,2	55 ball dan 71 ballgacha bo'lganda — "sariq"	
		39. Favqulodda vaziyatlar vazirligi	62	55 ball dan past bo'lganda — "qizil"	
				60. «Uzbekistan Airways» AJ	54,6
				61. Qishloq xo'jaligi vazirligi	54,5
				62. Tashqi ishlar vazirligi	54,2
				63. «Turonbank» ATB	53,8
				64. «Toshshahartransxizmat» AJ	53,3
				65. Yoshlar siyosati va sport vazirligi huzuridagi Yoshlar ishlari agentligi	52,9
				66. «Hududgazta'minot» AJ	52,8
				67. Samarqand viloyati hokimiyati	50,1
				68. Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi huzuridagi Oila va xotin-qizlar qo'mitasi	49
				69. «O'zbekiston metallurgiya kombinati» AJ	48,2
				70. Yoshlar siyosati va sport vazirligi	47,5
				71. Sirdaryo viloyati hokimiyati	47,5
				72. «O'zavtosanoat» AJ	47,4
				73. Madaniyat va turizm vazirligi huzuridagi Kinematografiya agentligi	47,4
				74. «O'zsvutva'taminot» AJ	47,2
				75. «O'zdonmahsulot» AK	45,7
				76. Andijon viloyati hokimiyati	43,6
				77. Mudofaa vazirligi	41,3
				78. «O'zmaxsusmontajqurilish» AJ	39,1
				79. «Uzbekistan Airports» AJ	37,4
				80. Sanitariya-epidemiologik osoyishtalik va jamoat salomatligi xizmati	34,6
				81. Kambag'allikni qisqartirish va bandlik vazirligi huzuridagi Mahallabay ishlash va tadbirkorlikni rivojlantirish agentligi	33,5
				82. «Poytaxtbank» AJ	28,3
				83. «Aloqabank» ATB	22
				84. «Qishloq qurilish invest» MCHJ IK	21,7
				85. «Yo'lqurilish» AJ	21
				86. O'zbekiston milliy teleradiokompaniyasi	21